Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 25 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 72 (6769)

Даъват

Иймоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

Ҳадис.

Ибрат

Андижон шаҳридаги «Ёшлик» саройи қошида чет тилларни урганиш маркази очилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган марказда инглиз, немис, француз ва араб тилларини урганадиган махсус курслар очилди.

ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Мамлакатимиздаги муҳим ислоҳотлардан бири бўлмиш лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш — жаҳон халқлари билан боғланишнинг мустаҳкам йўли сифатида эътироф этилмоқда. Янги алифбонинг илк ўқувчилари, ўрганувчилари эса, бу йил 1-синфга келган жажжи болакайлар ҳисобланишади. Бугунги янгиланаётган таълим тизимимизнинг фидойилари айтадиларки, «биз болаларни ўқитмайлик, ўқишга ургатайлик». Қувончли томони болаларга янги алифбони ургатишда ҳам муаллимларимиз ушбу ақидага амал қилишмоқда. Тошкент шаҳридаги 16-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Шаҳло Салимова ҳам (1-сурат) ана шундай жонкуяр устозлардан.

Дарвоқе, 2-суратда Шаҳло Салимованинг ҳамкасблари Маҳфуза Шамсиева ва Шоҳида Сафоеваларни кўриб турибсиз. Муаллималар нафақат болаларга, балки бир-бирларига ҳам ҳамиша устоз, елкадошдирлар. Уларнинг буш пайтлари мунозаралар ва изланишлар билан ўтади.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудлик, тарихни сохталаштиришдан озод бўлган ва мустақилик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият ғоялари, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этиш тўғрисида чиқарган фармойиши ана шу мақсадни кўзда тутади. 21 сентябрь куни академияда ана шу марказ ташкилий гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда марказнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Улар:

— мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган оламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишни ташкил этиш;

— Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбашарий тамойилларга асосланиш, ўтмишни сохталаштириш, мафкуравий маҳдудликдан холи бўлган унинг концепциясини ишлаб чиқиш;

— жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликни теранроқ тушунишини, ҳурлик, мустақиллик руҳининг инсонлар қалбида уйғонишини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимидаги ўзгаришлар, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тарихий жараёнларида мавжуд сиёсий институтлар, партиялар, демократик халқ ҳаракатлари фаолиятига доир манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларни йиғиш, ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

— Ўзбекистонда эркин, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишини жаҳон ҳамжамиятидаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ёритиш;

— мамлакат халқи ҳаётига доир тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир адабиётларни таҳлил этиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказиш;

— Ўзбекистоннинг мустақиллик даври билан боғлиқ бўлган энг янги тарихини ўзида ифодаловчи ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, дарсликлар тайёрлаш ва уларни турли тилларда чоп этишни йўлга қўйиш;

— Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ёзиш ва ўрганиш асосида жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни амалга ошириш;

— республикада тарихшунослик муаммоларини ўрганиш ва унга йирик тарихчи олимлар, сиёсатшунослар, файласуфлар ва ҳуқуқшуносларни жалб этиш;

— халқаро ва республикадаги оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистоннинг энг янги тарихини, миллий истиқлол, миллий тикланиш ғояларини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш. Дунё халқларига Ўзбекистон ҳақида ҳар томонлама ҳақиқий ахборот, кенг ва чуқур тасаввур беришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишдан иборат.

«Ўзбекистон янги тарихи» маркази ташкилий гуруҳи мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Тошкентда ихтисослаштирилган «Асака» давлат акционерлик тижорат банки очилди. Банк «ЎзДЭУавто» автомобилсозлик заводи фаолиятини яхши йўлга қўйиш, автомобилларни сотиш ва бу соҳада янада ўсишига эришиш учун ёрдам беради.

● Республика Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналарнинг хўжалик молия фаолиятини кўриб чиқиш билан шуғулланувчи комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда зарар келтириб ишлаётган корхоналар сонини камайтиришга доир ишлар фикрлашиб олинди.

● Тошкентда «Фан ва техника соҳасида халқаро интеграция: МДҲ давлатларининг янги бозорга чиқиш йўли» мавзуидаги халқаро семинар ўз ишини давом эттираяпти. Ушбу тадбирда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Туркия, Бельгия, шунингдек, МДҲ мамлакатларидан келган олимлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этишяпти.

● Россия хавфсизлик хизмати бошлиғи А. Лебеднинг чеченлар билан музокаралар олиб бориши натижасида қўшинларни олиб чиқиб кетиш 21 сентябрдан қайта йўлга қўйилди. Бу декабрнинг охиригача тўла ниҳоясига етиши керак.

● Арманистон Президентлигига сайловлар бўйича овозлар ҳисоб-китоб қилинаяпти. Ҳозирги Президент Левон Тер-Петросян билан собиқ бош вазир Вазген Манукян ўртасида кескин рақобат юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

● Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Нарасимха Рао мамлакатдаги энг йирик Ҳиндистон миллий конгресси раиси лавозимидан воз кечишга қарор қилди.

● Туркия Бош вазири Эрбоқон, Туркия бошқа мамлакатларнинг ишига аралашмайди, дея баёнот берди. Ташқи ишлар вазири Т. Чиллер хоним ҳам шундай баёнот билан чиқди.

Қумри АБДУЛЛАЕВА:

Хат-савод ўргатиш усуллари

2-бетга қаранг.

«Олтин мерос» танловига

4-бетга қаранг.

Фикр

«НАФАҚАХЎР»МИ ЁКИ...?

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли барча соҳаларда — ишлаб чиқариш, илм-фан, техника ривожида улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, миллий анъаналарнинг тикланиши, маориф ва маданиятдаги янгиланиш жараёни бизга куч-қудрат, илҳом бағишлаяпти.

Маданиятнинг дастлабки белгиси бўлган тилдаги ўзгаришлар, унинг софлиги учун кураш замон талабидир. Бироқ кўпдан бери бир сўз мени ажаблантириб келади. У ҳам бўлса, «нафақахўр» сўзидир.

Ўзбек тилида ҳар бир сўзга маълум даражада мантиқ юкланади. Масалан, ошхўр, ошқовоқхўр, чойхўр сингари сўзларни олайлик. Шундай сўз билан номланаётганликларини малол олишяпти. Аслида-ку, улар умр бўйи ишлаб чарчаган, хизмат қилган даврларида иш ҳақларидан маълум миқдорда қолдирган улушларини оляптилар. Хулласи, гапни басар этсак, республика атамалар ҳайъати нафақахўр сўзини бошқачароқ, яъни ўзида ёқимлироқ маъно ташувчи, қулоққа иликроқ эшитилувчи сўз билан алмаштирсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Солижон САЛОҲИДДИНОВ,
Норин туманидаги 25-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Ҳалқ таълими ва илм

ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

Мамлакатимизнинг мустақиллиги, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш жамиятимизнинг барча бўғинларида, жумладан, халқ таълимида ҳам фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллай олишларига, янги шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак. Янгиланаётган ўз давлатларини қуриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шароит яратишимиз даркор».

Ҳалқ таълими муассасаларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мақсади айнан шу масалага қаратилгандир. Ҳозирги босқичда илмий-тадқиқот ишлари бир неча йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчи йўналиш Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган мавзулар бўлиб, «Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълим тараққиёти ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш муаммолари» деб номланади ва бу муаммони ечишнинг Бош ташкилоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳисобланиб, муаммонинг илмий раҳбари педагогика фанлари доктори, профессор Д. Ш. Шодиевдир.

Мазкур муаммо 20 га яқин мавзуларга бўлинган. Мавзулар бўйича ечимларни топишда УзПФИТИдан ташқари Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти олимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

1994-1996 йиллар учун белгиланган илмий-тадқиқот ишларининг 8 та мавзуси бўйича УзПФИТИ олимлари иш олиб боришмоқда. Бу илмий мавзулар асосан ҳозирги кундаги давлат буюртмаси ҳисобланган ўрта умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фанларни мамлакатимиз шароитига мослаштириш, эски Шўро даврида яратилган концепциялар, давлат таълим стандартлари, дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилашга қаратилгандир.

Институт катта илмий салоҳиятга эга. Бу ерда 102 нафар илмий ва илмий-педагогик ходим ишлайди. Шундан 18 киши фан доктори, 31 киши фан номзоди илмий даражасига эгадир.

Ўтган қисқа давр мобайнида институт олимлари таълимнинг 22 тармоғи бўйича янги концепциялар, 29 стандарт, қатор янги дастурлар, назарий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратдилар. Бу ерда яратилган «Алифбе», «Она тили», «Адабиёт» (7-синф), «Умумий ва органик химия», «Физика» (7—9—10—11-синф), «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» (8—9—10-синфлар), «Ўзбекистон тарихи» (8-синф) дарсликлари, «Ватан тарихи», «Ўқитувчи китоби», «Савод ўргатиш методикаси», «Органик ва биологик химиядан амалий ишлар», «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» ва бошқа ўқув қўлланмаларининг яратилиши республикамиз ўқитувчиларининг ишларини анча енгиллаштирди. Институт кейинги 2—3 йил ичида 650 босма табоқ илмий ишларни нашр эттирди.

Бу ерда 1996 йилда Республикамизда ягона педагогика фанлари доктори илмий дара-

(Давоми 2-бетда).

РАДИАЦИЯСИЗ ҲАЁТ ЙЎҚ

Нурланишнинг ҳам ўз ўрни борга ўхшайди. Россия биофизика институти олимларининг тадқиқотларига кўра усимлик ҳамда ҳайвонларнинг ўсиши уларда турли космик нурлар ва калий изотопи етишмаганда 35-40% га пасайиб кетар экан.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ГРИПП БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Россия фанлар академияси олимлари грипп вируси миянинг ҳимоя кучини бўшатиб, нерв ҳужайраларининг зарарланишига сабаб бўлишини аниқладилар. Касалликларнинг барчаси, аввало, асабдан бўлгани учун гриппдан эҳтиёт бўлган маъқул экан.

МИНУТИГА 135 ТА ҲАРФ

Бу ҳиндистонлик ўқувчи Абишек Жейннинг Германияда бўлиб ўтган «энг тезкор машинкачи» мусобақасида кўрсатган натижаси. Олтин медал соҳиби 11 ёшидаёқ ўз юртининг ғолиб «машинкачиси бўлган экан».

КАШФИЁТЧИНИНГ ФИКРИ

СПИД вирусини топган француз олими Люк Монтень фикрича, 18 млн. одамни заҳарлаган ушбу «вабо»нинг давоси 20 йил ичида топилади, йўқса инсоният бундан ҳам хавфли касалликларга йўлиқади. Ҳозирги пайтда вирусининг қонда кўпайишини тўхтатувчи препаратлар биринчи қадамлар ҳисобланади.

ТАЖОВУЗКОР МЕТАЛЛ

АҚШ даги Питтсбург университетининг олимлари 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган 800 ўқувчини ўрганиб қуйидаги хулосаларга келдилар: суякда қўрғошин металининг миқдори қанча кўп бўлса одам шунча тажовузкорликка мойил бўлар экан. Олимлар табиатнинг ифлосланиши жамиятда зўравонликни кўпайтиради холос, демоқдалар.

Бу кунларга етганлар бор...

ПРОФЕССОР ТОҲИР ЧИҒАТОЙ КИМ ЭДИ?

Германияда ўқиган ватандошларимиз изидан

Собиқ Иттифоқ тарқалгунга қадар Ўрта Осиё масалалари билан шуғулланувчи хорижий советшунос олимларнинг ичида А. Бениксон, Э. Оллворт ва бошқалар қатори профессор Тоҳир Чиғатой асарлари ҳам кескин танқид қилиниб турар эди. Лекин унинг бир вақтлар Германияга ўқишга кетиб, Ўзбекистонга қайтиб келмай, хорижда қолиб кетган ватандошларимиздан бири эканлигини, кейинчалик унинг ўша юртларда социология ва фалсафа соҳасида катта мутахассис бўлиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий фикри, жадидчилик ва миллий истиқлол ҳаракатлари тарихи бўйича кўплаб мақолалар ва асарлар яратганлигини деярли билмас эдик. Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий дунё билан алоқасининг кучая бориши натижасида умуман кўпчилик чет эллик ватандошларимиз қатори профессор Тоҳир Чиғатой ҳақида ҳам янги маълумотлар бита бошладик. Бу ҳақда дастлаб Туркиянинг Анқара шаҳрида нашр этилиб келинаётган «Турк маданияти» ойномасининг 1985 йил 261-сонида босилган профессор Саодатхоним Чиғатойнинг «Профессор, доктор Тоҳир Чиғатой» (27.03.1902-27.07.1984) номидаги мақоласидан маълумот ола бошладик. Мақолада ёзилишига қараганда, Тоҳир Чиғатой асл туркистонлик бўлиб, у 1902 йил Тошкентда таваллуд топган. Дастлабки маълумотни маҳалласидаги эски мактабда, сўнг шу ердаги Мунаввар қорининг янги усул мактабида олган ва рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. Кейинчалик Уфадаги «Мадрасаи Олия», Бокудаги муаллимлик мактабларида ҳам таҳсил кўрган. 1921 йил Германиянинг Хайделберг университетига кириб, у ерда 1931 йилгача фалсафа, социология ва иқтисодиёт фанларидан сабоқ олган. Кейинчалик Туркистон иқтисодиёти бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1929-1939 йилларда доктор Абдуваҳоб Уқтой билан бирга Берлинда Туркистон миллий истиқлоли ҳаракатининг органи бўлган «Ёш Туркистон» журналида фаол қатнаша бошлайди. 1929 йилдан Берлин университетида туркийшуносликни ўрганиш билан машғул бўлган Муҳаммад Аёз Исҳоқийнинг қизи Саодатхонимга уйланади. 1939 йил оиласи билан Анқарага келади. 1948 йилдан эътиборан Анқара университетининг тил, тарих ва жуғрофия факультетларида социология соҳасида ишлайди. 1953 йилдан бошлаб дорилфунун доценти, 1962 йилдан профессори вазифаларида иш олиб боради. 1972 йилгача мазкур факультетда ижтимоиёт фанлари бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1984 йил 27 июнда Анқарада вафот этади.

Мақолада Саодатхоним фақат Тоҳир Чиғатойнинг ўзи ҳақидагина эмас, унинг авлодлари, ота-оналарининг таржимаи ҳоллари ва кейинги тақдирлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. «Отаси Шокир Розиқбой Ҳожи ўғли, — деб ёзади муаллиф, — XIX асрда Тошкентнинг таниқли ва машҳур оилаларидан бири эди. Тошкентда Розиқбой Ҳожи исмли бир маҳалла ҳам бўлган. Отаси Шокир ҳожи руслар Тошкентни истило қилган вақтларида 5-6 ёшларда бўлган бир ёш бола экан. Шокир Розиқбой ўғли 1917 йил рус инқилобига қадар Туркистон савдогарларидан бири сифатида танилган эди. Онаси Ҳамрохоним 1927 йил вафот этгандан кейин Шокир ҳожи 1933 йилда Афғонистонда паноҳ топади. Унинг бутун мол-мулклари турли йўллар билан коммунистик кучлар томонидан тортиб олинади. Ўзи бўлса қочоқ ҳолда яшайди... Қизи Маҳбубахоним билан Қобулга боради. 1933 йил Ҳажга кетиб, 1936 йилда Истанбулга келиб урнашади. 1950 йилда шу ерда вафот этади». (Ўша журнал, ўша сони, 57-саҳифа).

(Давоми 3-бетда).

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ОРЗУЛАР УШАЛМОҚДА

Бу йил республикамизнинг бир қатор илғор мактабларида иқтисодиётни, банк тизимини ўрганувчи синфлар очилди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Тошкент шаҳридаги 9-мактаб ҳам янгилик ва ташаббусга ўчлиги билан ушбу ҳаракатга қўшилди. Яқинда бу билим маскани ўқитувчи ва ўқувчиларининг орзулари ушалиб, Узбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси ва Ҳалқ таълими вазирлиги саъй-ҳаракати билан мактабда банк синфлари очилди.

Унга ўқувчилар тест синовлари орқали қабул қилинди. Шу муносабат билан бу маърифат масканида анжуман ўтказилиб, унда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, вазир муовини Ҳ. Қ. Йўлдошев, Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари бошқармаси бошлиғи Г. Я. Алимова, Банклар ассоциацияси ходими Г. Жонибекова ва туман халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассислари сўзга чиқдилар. Сўнгра М. Юнусова раҳбарлигидаги шу мактаб бадиий ҳаваскорлари йиғилганларга ўз санъатларини намойиш этдилар. Янги компьютер ва замонавий асбоблар билан жиҳозланган хонада илк машғулотлар бошланиб кетди.

SERQIRRA IJODKOR

Respublika Ta'lim markazida Abdurauf Fitrat tavalludining 110 yilligiga bag'ishlangan Abdurauf Fitrat ijodining qirralari mavzuida qo'shma ilmiy anjuman bo'lib o'tdi. Anjumanda Fitrat va XX asr ma'rifatchiligi haqida allomaning tarixchilik, tilshunoslik, tasavvuf, adabiyotshunoslik, dramaturgiya va she'riyat sohasida keng ko'lamli faoliyatlari borasida so'z bordi.

«М» белгили ўқувчилар

Шайхонтоҳур туманидаги Навоий номли 40-мактабнинг 9-синфларига «Миллий банк» системаси ўргатилади. Қобилиятли 26 ўқувчи танлаб олинди. Улар келажакда банк соҳаси ходимлари бўлиб етишадилар. Шунингдек «М» белгили махсус формаларда кийинган иқтидорли болалар 1-синфга имтиҳон орқали қабул қилинди. Келажакда чет эллар билан ишлаш, гаплашиш соҳасида бизнинг мактабимиздан ҳам етук мутахассислар чиқиб қолса ажаб эмас.

М. ВАЛИЕВА.
Ikrom Bo'riboyev.
Анвархон Аҳмадқори ўғли.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

Фармон ва ижро

«МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА ГУРУНГЛАШАЙЛИК!»

Бугун маънавият ҳақидаги баҳс-мунозаралар авжига чиқмоқда. Чунки бунга катта бир эҳтиёж туғила бошлади. Маънавият ҳақида сўз кетар экан, уни маърифат тушунчасидан айрича талқин этиб булмайди. Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман ҳокимлигида республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги фармонини муҳокама этишга доир йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ҳокими Осимхон Алихўжаев йиғинни очар экан, «Маънавият ҳақида гурунглашайлик» дея ўз сўзига мазмун киритди.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг раиси, Узбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевга сўз берилди. У ўз сўзида мамлакатимиз Президентининг бир гуруҳ ёзувчи-шоирлар, олимлар, маънавият ва маърифат фидойилари билан ўтказган учрашувидан олган таассуротларига кўпроқ урғу берди.

— Маънавият, маърифат тушунчаларининг аҳамияти жуда катта, — деди Х. Тўхтабоев. — Президентимизнинг биз ижодкорлар билан ўтказган самимий, дилтортар суҳбатидан олган таассуротларимни гапирсам, адо булмайди. «Маънавият иқтисодиёт билан тамоман боғлиқ, — деди у киши. — Уни ривожлантирмасдан, халқимиз онгида ўз маънавий қадриятларимиз, расм-русумларимиз, урф-одатларимизга ҳурмат руҳини вужудга келтирмас эканмиз, буюк давлат қуролмаймиз».

«Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, ёзувчи Эркин Аъзамов йиғилиш аҳли олдида сўзга чиқиб, қабул қилинган бу қарор тадбирга айланиб қолмаслигини, балки турмушимизнинг барчабарча жабҳаларига сингиб кетиши кераклиги ҳақида фикр юритди.

ТошДУ филология факультети кафедра мудири, профессор Карим Назаров шундай деди:

— Зангиота тумани марказидаги маънавият ва маърифат маркази кенгаши раисиман. Биз кенгашимиз қошида халқ маънавияти мактабини ташкил этмоқчимиз. Бунда 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар отаоналари билан биргаликда ўқитилади. Қай тарзда?

Режаларимиз жуда катта ва кўп. Маънавият бу, аввало, тарбия дегани. Тарбияни ўнгламай туриб, ёшларни маърифатга йўналтириш қийин. Биз бу мактабда болаларга шарқона одоб, мусулмонча урф-одатлар, аждодларимизнинг бой адабий ва маънавият меросларидан ҳақида тушунчалар бериб боришни ният қилдик.

Йиғилиш аҳли — тумандаги маҳаллаларнинг раислари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, ўқитувчилар, мураббийлар, мактаб ва олий ўқув юртларининг талабалари сўзга чиққан кишиларнинг фикрларини қўллаб-қувватладилар.

Мухбиримиз.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши аввало тинчликда. Тинчлик эса бу аёл демакдир. Ҳайрон бўлдингиз-а?.. Ахир, яхши уй бекаси бўлиш осонмиди? Бунинг учун қиз болани ёшликданоқ «қўли ширин» пазанда, моҳир тикувчи даражасида тарбиялаб қўйиш лозим.

Асакадаги 14-махсус ҳунар мактаб-интернатида ўқувчиларга бошқа ҳунарлар қатори тикиш-бичиш ҳам чуқур ўргатилади. Бу борада, айниқса, меҳнат ўқитувчиси Мукаррам Отабоева жуда «устаси фаранг».

СУРАТДА: меҳнат ўқитувчиси М. Отабоева қизларга тикиш-бичиш сирларини ўргатмоқда.

А. АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«КАМОЛОТ» МАРКАЗИ

Янги ўқув йилидан бошлаб болалар боғчаларида «Камолот» марказларининг фаолият кўрсата бошлагани ҳам ёрқин истиқбол йўлидаги яна бир қутлуғ қадамдир. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 269-болалар боғчасида ҳам дастлабкилардан бўлиб «Камолот» маркази ташкил этилганини эшитиб, мазкур жажжилар масканига йўл олдик. Ниятимиз марказнинг дастури, мақсад ва вазифалари билан танишиш эди.

Боғча мудираси Маъмурахон Камоловадан ўзимизни қизиқтирган саволларни сўраб-суриштирдик. Бизни тўлқинлантирган нарса шу бўлдики, «Камолот» марказининг бош мақсади эзгуликка қаратилган, ҳар бир сўзи, ҳар бир банди эзгуликка йўғрилган экан.

— Болаларимизга мурғак ўдаклигиданоқ жамиятимизда рўй бераётган ислоҳотларни етказа билиш, кичкинтойларни ҳар томонлама баркамол, маданиятли, маънан етук, маърифатли, ватанпарвар қилиб вояга етказиш давр талаби, — дейди Маъмурахон опа.— Шунинг учун ҳам даставвал биз ишни ота-оналарни «Камолот» марказининг дастури билан таништиришдан бошладик. Улар дастуримизни хайрихоҳлик билан қабул қилдилар. Шундан сўнг ишларимиз жадаллашиб кетди. Тарбияланувчилар орасидан 45 нафар иқтидорли болаларни саралаб олиб, 1-сентябрдан машғулотларни бошлаб юбордик.

«Камолот» марказига 4 ёшдан бошлаб болалар қабул қилишни режалаштирганмиз. Уларга таълим бўйича бошланғич тушунчалар бериш ҳам кўзда тутилган. Кичкинтойларни ёшига, таҳсил олиш даврига қараб дастурлар ишлаб чиқилди. Улар орасида «Экономика — экология —инсон» дастури ҳам бор бўлиб, унда болакайлар ўйин, махсус машғулотлар орқали, иқтисодиёт, табиат муҳофазаси ва саломатлик инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақида дастлабки тушунчалар берилади. Дастуримиздан инглиз тили, компьютер сабоқлари, тафаккурни ривожлантирувчи ўйинлар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Ўйлаймизки, булар болаларимизнинг зукко ва билимдон бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

З. УСМОНОВА.

ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

жасини берувчи Ихтисослашган кенгашнинг ташкил этилиши институт илмий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатиб турибди.

ЎзФТДК давлат илмий-техника дастурини бажаришда Ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти ҳам қатнашмоқда ва 5 та муаммо бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу муаммога кирувчи мавзулар ҳунартехника билим юртлари, янгидан қайта ташкил этилган ҳунар лицейлари, бизнес мактабларида ўқитилаётган фанларнинг янгиланган концепциялари, стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлари ва қўлланмаларини яратишга ҳамда уларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратилгандир. Институтда ҳозирги пайтда 5 та фан доктори, 8 та фан номзоди ишламоқда ва соҳалар бўйича 26 нафар тадқиқотчи таҳсил кўрмоқда. Уларнинг кучи билан бевосита таълим мазмуни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича услубий тавсияномалар, қўлланмалар тайёрланиб, ҳунар таълими ўқув юртларига етказиб берилмоқда.

Бу институт хорижий мамлакатлардаги марказлар билан ҳам яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. 1995-1996 йилларда АҚШнинг Евразия фонди билан тузилган шартномага кўра «Ҳунар таълимининг истиқболини белгилаш эксперт тизими» номли лойиҳа бажарилди.

Институт ходимлари 2—3 йил ичида 72 номда 102 босма тобоқдан иборат илмий ишларни нашрдан чиқардилар.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг бир гуруҳ олимлари ҳам УзФТДК давлат илмий-техника дастурини бажаришда қатнашмоқда. Бунинг учун бу ерда 9 та лаборатория ташкил этилган бўлиб, 10 га яқин фан докторлари ва 30 га яқин фан номзодлари илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Институт олимлари кучи билан олий педагогик таълимнинг бир қатор стандартлари, болалар боғчалари ва қўйи синф ўқувчиларининг нутқини ўстириш бўйича қўплаб янги илмий ишлар яратилди. Айниқса, «Соғлом авлод учун» ва «Оила» лабораториясида олиб борилган ишлар ўз салмоғи жиҳатидан ажралиб туради.

Айни пайтда Давлат илмий-техника дастурининг бир тармоғи бўлган этнопедагогика соҳасида Нукус давлат педагогика институтида ташкил этилган лаборатория ходимлари қорақалпоқ халқининг этнопедагогикаси ҳақида муҳим тадқиқотлар олиб бордилар.

Илмий-тадқиқот ишларининг иккинчи йўналиши Давлат фундаментал илмий-техника дастури бўлиб бу соҳада Республика «Истеъдод» марказида психология фанлари доктори, профессор Б. Р. Қодиров бошчилигида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва республикадаги истеъдодли болаларни психологик тест ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилинмоқда.

Илмий-тадқиқот ишларининг учинчи йўналиши давлат танлов илмий-техника дастуридир. Бу йўналиш бўйича Нукус давлат педагогика институтининг бир гуруҳ олимлари «Қуриган Орол тубини мустаҳкамлашда дистихлис ўсимлигини қўллаш» лойиҳаси билан иштирок этаётирлар. Бу лойиҳа амалга ошадиган бўлса, Орол тубидан тузли чанг тўзоннинг кучишини камайтирган бўлур эди.

Илмий тадқиқот ишларининг тўртинчи йўналиши бу педагогика институтлари олимлари томонидан олиб борилмоқда ва институтларга ажратилган маблағлар ҳисобига бўлмоқда. Бу ишда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти, Навоий, Қўқон, Жиззах, Тошкент вилояти давлат педагогика институтлари олимлари иштирок этмоқдалар. Мазкур олий ўқув юртларида 50 дан ортиқ йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилиб, халқ хўжалигини турли соҳаларини ривожлантириш бўйича мавзулар ишланмоқда.

Халқ таълими муассасаларида илм-фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшаётган, ҳар йили 30—40, ҳатто ундан кўпроқ босма тобоқда илмий иш чоп эттираётган, халқ таълими учун, айниқса, олий мактаблар ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқитилаётган янгиланиши зарур бўлган предметларни ўқитиш соҳасида баракали ижод қилаётган ижодкор олимлар жуда кўп. Жумладан УзПФИТИ олимларидан Д. Шодиев, А. Зуннунов, А. Абдуқодиров, Ш. Каримов, Низомий номидаги ТДПИдан А. Набиев, Д. Шарипова, Л. Муминова, Ж. Ҳасанбоев, А. Григорянц, М. Асқарова, Қ. Қаҳрамонов, Нукус давлат педагогика институтидан У. Алеуов, Ж. Бозорбоев, Қўқон ДПИдан Р. С. Акопян, М. Қаҳҳоров, И. Сулаймонов, Жиззах ДПИдан Ж. Лапасов, Б. Уринбоев, Ж. Расулов, Тошкент вилояти ДПИ дан Д. Тўхлиев, Э. Хўжақулов, Навоий ДПИ дан Р. Раҳмонов, И. Жабборов каби ва бошқа унлаб фан фидойиларини кўрсатиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва уни янги мазмун билан бойитиши ҳамда замонавий мавзуларни татбиқ этишда аспирант ва докторантлар ҳам муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир халқ таълими муассасаларида фаннинг турли соҳалари бўйича 342 нафар аспирант ва 36 нафар докторант таҳсил кўрмоқда. Уларнинг илмий ишларининг асосий қисми давлат дастурлари бўйича бўлиб, ўрта умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида таълимни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Вазирлик аспирантлар, докторантлар ва бошқа илмий-тадқиқотчиларнинг олиб бораётган ишларининг такрорланмаслиги, бир-бирларига яқин бўлиб қолмаслиги ҳамда тор ва долзарб бўлмаган кичик мавзулар бўйича диссертациялар ёзилмаслиги учун фан бўлими қошида педагогика, психология ва хусусий методика фанлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этди ва унга республикамиздаги педагогика институтлари ҳамда бошқа олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган етук олимлар жалб қилинди. Бу кенгаш юқоридаги соҳалар бўйича ҳимоя қилинган барча илмий ишларнинг ахборот банкини ташкил этмоқда ҳамда ёзилган диссертацияларнинг эксперимент (тажриба-синов) қисми учун хулосалар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўйлаймизки бу кенгаш тадқиқотчиларнинг мавзу танлашини тез аниқлаб беради ва илмий ишларнинг сифатли бўлиши учун ўз ҳиссасини қўшади.

Вазирлик аспирант, докторант ва илмий тадқиқотчиларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили энг яхши илмий мақолалар танловини ўтказиб туришни режалаштирган. Танловда ғолиб деб топилган аспирант, докторант ва илмий-тадқиқотчилар моддий жиҳатдан тақдирланадилар ва уларнинг илмий ишлари навбатсиз нашрдан чиқарилади. Яна муҳим масалалардан бири талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишдир. Чунки талабалик даврида асосий илмий йўналиш танланса, у эртароқ яхши натижа беради. Шу сабабли барча педагогика ўқув юртларида бу масалага катта эътибор қаратилмоқда, ҳар йили уларнинг анъанавий анжуманлари ва фан олимпиадалари ўтказилиб турилибди. Бу анжуманларда минглаб талабалар қатнашмоқдалар. Лекин бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп.

Албатта, бу ишларнинг ҳамма аъзоси халқ таълими бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини янада ошириш учун қилинмоқда ва улар ўз навбатида ўз маҳсулини бермоқда. Лекин илм-фанни янада ривожлантириш, халқ таълими бўйича давлат буюртмасини тула бажариш учун қатор ечилиши лозим бўлган вазифалари муаммоларни ҳал этиш ҳам кун тартибида турибди. Биринчидан, ўқитилаётган фанларнинг методологик ва назарий томонларига диққатни қаратишимиз лозим. Айниқса, бу соҳада Президентимиз И. А. Каримов асарларидан ва жаҳон фанининг илғор ютуқларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак бўлади.

Иккинчидан, ўрта умумтаълим мактабларида ўқилаётган фанларнинг барчаси бўйича янги концепция, стандарт, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишни охирига етказиш зарур. Чунки бир қатор фанлар учун ҳали дарсликлар тўла яратилмади. Жумладан, Ўзбекистон тарихи бўйича гарчи 5—9-синфлар учун 1 та дарслик ва 4 та қўлланма яратилган бўлса-да, ҳали мукаммал дарсликлар яратилган эмас. Айниқса, 10—11-синф ўқувчилари ҳозир нимани ўқиш лозимлигини билмай қийналишмоқда. Жаҳон тарихи бўйича 6—7-синфлар учун қўлланма яратилган бўлса-да, ҳали концепция ва қолган синфлар учун дарсликлар умуман йўқ. Айни пайтда «Иқтисодий билим асослари» фанидан ҳам дастур ва қўлланмаларни яратишни охирига етказиш лозим. Бошқа кўпгина фанлар бўйича ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Учинчидан, ўрта махсус ўқув юртларида ўқитилаётган деярли барча предметлар янгиланишни кутиб турибди. Бу соҳада ҳали қилинадиган ишларга, айниқса, мутахассислик фанларини қучайтиришга эътиборни қаратиш керак.

Тўртинчидан, олий педагогика ўқув юртларида ўқитилаётган фанларни ўрта мактабда ўқитилаётган фанлар билан уйғунлаштириш, уларнинг аниқ нисбатини ишлаб чиқиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда мутахассислик фанларини янада чуқурлаштириш лозим бўлади.

Бешинчидан, кўпгина фанлар бўйича дунёнинг илғор мамлакатларида яратилаётган энг замонавий асарларни ўзбек тилига ўгириш ва уни кўп сонли ўқувчилар ҳамда талабаларга етказиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Олтинчидан, энг муҳими, олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот институтларини, истеъдод, фидойи, билимдон кадрлар билан таъминлашни кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўйишимиз лозим бўлади. Чунки ҳозирги бозор иқтисоди шароитида илм-фанга интилувчилар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Айниқса, илмий даражали олимларнинг кўпини ёши бир жойга бориб қолган ходимлар ташкил этмоқда. Шу сабабли бу соҳага ёшларни жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шароитни яратиш керак. Фан докторлари тайёрлаш соҳасидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Айниқса, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш учун 10 та мақола илмий журналларда эълон қилиниши лозим деган буйруғи кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Еттинчидан, малака ошириш институтларида таълим олаётган мутахассислар учун олий ўқув юрти билан ўрта умумтаълим мактабларини мувофиқлаштирувчи билимлар тизимини ишлаб чиқиб, турмушга жорий этиш керак бўлади. Чунки бу ерга малака оширишга келган олий маълумотли ўқитувчини ўқитиш, унга ўз соҳаси бўйича фан янгиликларини бериш алоҳида маҳорат ва, таъбир жоиз бўлса, қўшимча катта билимни талаб қилади.

Саккизинчидан, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш лозим бўлади. Бу соҳада мамлакатимиз раҳбарияти қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, халқ таълимига янада эътиборни кучайтириш мақсадида педагогика фани 1997 йилдан бошлаб Устивор давлат илмий-техника дастурига киритилди ва Узбекистон Республикаси фан ва техника қўмитасининг бу ҳақдаги дастурида биринчи рақам билан ёзилди. Албатта, бу нарса халқ таълими муассасаларидаги фан тараққиётига эътиборнинг янада кучайтирилаётганлигини кўрсатади. Зеро, ўз ёшларига мукаммал билим бера олган жамиятгина ўз келажагига бемалол ишонса бўлади.

Мойли ЛАФАСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди, доцент.

Янги китоблар

ИҚТИСОДИЁТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ СОДДА ТАЛҚИНИ

Юрт ҳар жабҳада юксалиш, уйғониш паллаларини бошдан кечирмоқда. Ўз ўзанларимизни қайсидир кўринишларда топдик, топмоқдамиз. Шу ўринда кўпгина олиму фузалоларимизнинг маориф соҳасида, айниқса, оммабоп ўқув қўлланмалари чиқариш борасида амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари кундан кунга такомиллашиб бормоқда. Унинг сир-асрорларини ёшлар билиши зарур. Зеро, Узбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Ёшларнинг шуурига миллий тарбияни сингдириш билан бирга иқтисодий муомалани, муносабатни, унинг қонуниятларини ўргатиб бориш кўп фойдадир. Яқинда «Шарқ» нашриётида чоп этилган У. Парпиев, И. Саломовларнинг «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» китоби бу йўлда нафақат ёшларга, балки жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, иқтисодий билимларни оширишда зарур қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Барча турдаги ўқув муассасалари, ўқувчи ва ўқитувчилар учун мўлжалланган бу қўлланма ўқув режаси бўйича 90 соатга мўлжалланган. Дарслик XYII бобдан иборат бўлиб, унда Республикамизда амал қилинаётган бозор иқтисодиёти қонунлари, оддийдан мураккабгача йўсинда ёритилган. Яна бир эътиборли томони шундаки, китобнинг қўлёзмаси Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида муҳокама қилиниб, ҳозирги шароитда зарур бўлган қўлланма деб топилган.

Очиғи, «Бозор иқтисоди асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» китоби ҳақида гапираверсак гап кўп. У ўқитувчилар орасида ўз қадрини топиши шубҳасиз. Мутахассисларнинг таъқидлашича яқин йиллар ичида ҳали «бола ҳам тушунадиган» бундай китоб ёшларимизга тақдим этилмаган. Ҳақ гап. Зотан қўлланманинг фойдаланилган адабиётлар мундарижаси ҳам шундан огоҳ этиб турибди.

Яна бир гап. Биз ушбу мухтасар тақриз билан дарсликни тарғибу ташвиқ қилмоқчи эмасмиз. Қўлланма бунга муҳтож ҳам эмас. Фақат иқтисодий билимларни қандай дарсликлардан ўрганиш кераклигини билмай юрганларга озгина «йўл» бердик, холос. Чунки дарсликни «қоқилмасдан» ўқийсиз. Иқтисодий терминлар кам ишлатилган. Оддий ва равон услубдадир. Қўлланма муаллифларининг ютуғи ҳам шундадир.

Т. РЎЗИЕВ.

Афшона қасамёди

Бухоро тиббиёт олийгоҳи 1-курс талабалари узларининг касбга қасамёд қилиш тантаналарини улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино таваллуд топган жой — Афшонада ўтказдилар. Талабалик шарафига мушарраф бўлган ёшлар лутфидан дунё тан олган буюк ватандошлари борлигидан, у билан тупроқдош эканлигидан фахрланиш туйғулари сезилиб турди. Афшона қасамёди ҳар йилгига ўхшамайдиган эсда қоларли тадбир бўлди.

Олтовлон тугал бўлса...

Санжар Шарипов Бухоро шаҳридаги Узбекистон — Туркия ҳамкорлик лицейининг 11-синфда аъло баҳоларда ўқийди. У яқинда Туркиянинг Анқара шаҳрида — математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада Республикамизда таҳсил юргизаётган узбек-турк лицейлари ўқувчиларидан иборат олти кишилик команда сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилди. Натижа чакки бўлмади. Вакилларимиз «олтовлон тугал бўлса...» деган халқ мақолига амал қилиб, учинчи ўринни эгалладилар ва бронза медаллари билан тақдирландилар.

Шу кунларда Санжар Шариповни унинг таҳсилдошлари, мураббийлари Бухородаги лицейнинг ҳам шарафи дея эътироф этмоқдалар.

— Биз олтовлон эдик, — дейди Санжар ийманиб.

«Олтовлон тугал бўлса бўлмаганни бўлдирар» деганлари ҳақ экан.

Дилмурод ЖАББОР.

Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам

ХАТ-САВОД ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

Бу ўқув йилида бизнинг туманимизда 115 та 1-синф ташкил қилинди. Ўқувчиларга Қ. Абдуллаева ижодига мансуб «Шодлик» алифбеси берилди. Алифбедан фойдаланиш бўйича методик қўлланма ололмадик. Алифбе қайси ойда тугаши керак? Шу ҳақда бизга зарурий маслаҳат беришда ёрдам кўрсатишларингизни сўраймиз.

Г. ҒАНИЕВА, Д. ТОЖИЕВА, П. ИБРОҲИМОВА, қўқонлик ўқитувчилар.

Худди шундай мазмундаги хатлар анчагина. Ана шу талаб-истакларни инобатга олган ҳолда, «Шодлик» алифбесининг муаллифи Қумри Абдуллаеванинг «Хат-савод ўргатиш усуллари» номли мақоласини методик кўрсатма сифатида эълон қилишни лозим топдик.

Хат-савод ўргатиш таълимнинг муҳим босқичи бўлиб, бу даврда ўқувчилар тўғри ўқиш, чиройли ёзиш ҳамда ўқиганларини сўзлаб беришга ўргатилади. Нутқни гапларга, сўзни бўғинларга ажратиш, товушларни эшитиб идрок қилиш, талаффуз қилиб бирбиридан фарқлаш тушунчасига эга бўладилар.

Биз тузган алифбе — «Шодлик»нинг 8-саҳифасидан бошлаб болалар сўзларни ўқишга муваффақ бўлишлари назарда тутилди. О билан т товуши иштирокида От сўзини ўқишнинг рамзий маъноси бор. От — севимли жонзот. Болаларга алифбе китоби саҳифасида тасвирланган ясатилиқ от, йўл-йўл тўн кийган аравакаш, аравадаги қувноқлар яхши кайфият беради. Уларнинг қўлларида Узбекистон Республикаси байроғи. Айниқса, пуфакчалар шу саҳифада тасвирланган олма, олхўри, олча, бодом, турна, тулки, товуқни томоша қилиб, уларни номлашда иштирок этадиган о, т товуши ва ҳарфларини билиб оладилар.

Ўқиш ёзув билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Дарслик саҳифаларида ва 1-ёзув дафтарида берилганларни узлаштириш, чиройли ва тўғри ёзишга ундовчи:

Чиройли ёз, тўғри ёз, Ёзувинг булади соз.

шиорини барча ўқувчилар ёд билишлари ва шунга амал қилишлари керак.

Хат-савод ўргатишда болаларни кесма ҳарфлар ва бўғинлар билан ишлашга ўргатиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Улар ёрдамида болалар сўзлар тузишга тез ўрганадилар. Очиқ ва ёпиқ бўғинларни турли кўринишдаги гаплар тузиб, машқ қилишади. Кичик матнларни овоз чиқариб, бўғинлаб, сўзларни сидирга ўқишга ўргатилади. Болалар шу тариқа сидирга ўқишга одатлантирилади. Шунинг учун ҳам биз «Шодлик»нинг 24-саҳифасидан бошлаб, устунчадаги сўзларни бўғинларга бўлмай бердик.

Хат-савод ўргатиш даврида болаларнинг руҳий ва физиологик ҳолатларини назорат қилиш, уларнинг қабул қила олиш қобилиятларини ҳисобга олиб ёндашиш ўқитувчи эътиборида бўлиши лозим. Кичик ёшдаги болалар сўз бойлиги етарли эмас. Ўқитувчининг вазифаси болаларнинг сўз бойлигини ошириш орқали унинг нутқини ривожлантиришга эришишдир. Нутқи равон бола билиб олганларини қийналмай гапириб беради ва янги-янги сўзларни узлаштиришга ҳаракат қилади.

Савол-жавобли нутқ кенг қўлланиши лозим. Ўқитувчининг саволларини диққат билан тинглаш ва шунга яраша қисқа, лўнда жавоб ҳозирлашни доимо машқ қилиш, шу усул билан ўқувчиларни суҳбатга чорлаш мумкин.

«Алифбе» даврида болаларга товуш-ҳарфни ўргатишда дастлаб ёзилиши талаффузига мос келадиган сўзлар танланади. Сўзлар тасодифий эмас, балки ҳаётий «от» сўзидан сўнг ота, она, ака, ука каби сўзларни ўзлаштириш кўзда тутилди. Сўзларнинг аввал сўз, бўғин, сўнг товуш таҳлили бериб борилди. Бу тавсия таҳлил-таркиб ишларини сурункали ўтказиш имконини беради.

Бўғиндан товуш билан таништириш учун махсус тайёргарлик кўриш, алоҳида иш усуллари танлаш зарур. Яхшиси, сўзлаш товушни ажратиб олиш керак. Бўғиндан товушни ажратишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия этилади:

а) унли товушлар билан таништириш учун икки бўғинли сўзнинг биринчи бўғинини ташкил этган унли товуш ажратиб олинади: о-на, и-ни, ў-тин каби;

б) ундош товушларни ажратиб олишда сўз (бўғин) охирида чўзиб талаффуз қилиш усулларидан фойдаланиш зарур. Шунинг учун дарсликнинг 18—20 бетларигача шу тариқа чўзиб талаффуз этиш мумкин бўлган ундош товушлар берилган. Масалан, л ундошини ажратиб олишда «ол» сўзи охиридаги л чўзиб (оллл тарзида) талаффуз этилади;

в) портловчи ундошларнинг узини соф ҳолда унли аралаштирмасдан айтиш қийин. Шунинг учун болалар Т билан Д ни, П билан Б ни алмаштириб талаффуз этадилар. Портловчи ундошларни фарқ қилишда уларни чўзиб, сурункасига талаффуз этиш мумкин бўлган ундош товушлар билан таништириш усулидан фойдаланиш мумкин. Масалан, ош, иш, пиш, тиш, лаб, боб, от каби.

Ҳар бир товушни бўғинга ажратиб олгандан кейин болаларнинг диққатини шу товушнинг хусусиятларига тортиш, унинг қандай ҳосил қилинишини амалда кўрсатиш ва болаларга айттириш лозим. Акс ҳолда ўқувчилар товушларни нотўғри талаффуз қиладиган бўлиб қоладилар.

Ўқитувчи таҳлил-таркиб асосида сўз (бўғин)дан ажратиб олинган товушни қандай талаффуз қилиш кераклигини, яъни оғиз ҳаракатини ўқувчиларга кўрсатади. Ўқувчиларнинг узларига ҳам айттиради. Бунда кўзгучага қараб талаффуз этгириш фойдалидир. Товуш талаффузида ўқувчилар диққатини товушларнинг қаерда чиқишига жалб қилинади. Масалан, О,а товушларини айтишда оғиз катта очилади. У товушини айтишда лаблар олдинга чўзилади. Л товушини айтишда лаблар сал жуфтланади. Б, Р товушини айтишда лаблар бир-бирига тегиб, товуш «портлаб» чиқади. Х товуши томоқ қириб айтилади, Ҳ томоқ қирилмай танглай бушлиғидан чиқариб айтилади.

«Шодлик» алифбе дарслиги билан бирга «Расмли алифбо», «Ҳарфлар чамани», «Кесма алифбо» дидактик қўлланмалари ҳам берилди. Бу мажмуаларда ҳарф танитишнинг анча қулай усуллари мавжуд. Яъни унли ҳарфлар қизил рангда, ундошлар эса ҳаво рангда берилган. Яқол кўриниб турган бу ҳарфлар болаларга бу сўзларни бўғинларга бўлиб, қийналмай ўқишга имкон беради. Шунингдек, дарсликда ўқувчиларнинг ижодий равишда бўғин топиб, сўз ҳосил қилишлари учун бир унли, бир ундош товушли на, но, ла, ло каби бўғинлар берилган.

Бир неча унли ўргатилгандан сўнг, ўқитувчи ёрдами билан синфда жадвал тузиб, унлиларни бир томонга, ундошларни иккинчи томонга ёзиб бориш тавсия қилинади.

Очиқ ва ёпиқ ўқишга нисбатан тескари бўғинни ўқиш осондир. Чунки тескари бўғинда биринчи унли товуш, сўнг ундош товуш бўлади. Демак, бола аввал унли товушни, сўнг ундош товушни талаффуз қилади. Ундош товуш талаффузига нисбатан унли товуш талаффузи анча осон. Аввал унли товушни талаффуз қилиб, кейин ундош товушни талаффуз қилишга ўтиш болалар учун анча мураккаб бўлиб, уларни бироз қийнайди.

Тескари бўғинлар юзасидан бир оз талаффуз машқи ўзказилгандан сўнг очиқ бўғинлар юзасидан талаффуз машқи қилинади. Бу талаффуз машқи учун танланган очиқ бўғин бошида чўзиқ ундошларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Сўнг турли характердаги бўғинлар, ҳатто ёпиқ бўғинларни таништириш мумкин.

Ўқиш жараёнида сўзларни ҳарфлаб ўқишга асло йўл қўймаслик керак. Гап ва матн мазмунини тушунишда ҳам, ёзувнинг тез ва имло жиҳатидан тўғри бўлишида ҳам бу хавфли усулдир. Шунинг учун болалар сўзларни бирваракайига ўқишга ўргатилиши лозим.

Ўқувчилар 5—6 ҳарфни билиб олганларидан кейин «Кесма алифбо» дан фойдаланиб, бўғинлардан сўз тузиш машкини бот-бот ўтказиш лозим.

Ўқувчиларга бўғинларни топтиришда бўғин жадвалидан фойдаланиш мумкин. Бу жадвалнинг ҳар қайси устунидаги бўғин бир хил ҳарф билан бошланади.

ҳар	со	шо
не	са	ша
но соз	соз	ши
най сал	сал	ше

Ўқитувчи жадвалдаги бўғинлардан бошланадиган бир неча сўзни айтади. Масалан, са-ват, ши-рин каби.

Бир ўқувчи сўзни бўғинларга ажратиб, шу сўзнинг биринчи бўғинини бир хил ҳарф билан бошланган бошқа бўғинлар орасидан онгли равишда топиб, қандай фарқланишни, ҳар қайси устун ҳарф боғланишини ўқувчиларга олдиндан тушунтиради. Ўқувчиларга ўрганилган ҳарфлардан тузилган сўзларни топишда ҳам шу жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади.

Хат-савод ўргатиш ишларида «Кесма алифбо» билан ишлаш ўқувчиларнинг тезда ўқиб кетишларига ёрдам беради.

«Кесма алифбо» синф жамоаси билан ишлаш учун ва ҳар бир ўқувчида бўлиши шарт. Ўқувчиларга бўғинлаб сўз туздиришда, аввало, биринчи марта учраган янги бўғин тушунтирилади ва уни қайта-қайта туздириб мустаҳкамланади. Сўнг бир ҳарф ёки бир-бир бўғинни алмаштириш мумкин. Масалан, биринчи синф ўқувчиларини тўғри ўқишга ўргатишда кесма ҳарфларнинг роли қанчалик катта бўлса, бўғин жадвалининг аҳамияти ҳам ундан қолишмайди. Синфда бўғин жадвали ўқувчилар иштирокида тузилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги усул билан ўрганилган янги ҳарф кесма ҳарфлар воситасида болаларга ўргатилгандан сўнг, дарсда ўқувчилар тузиб машқ қилган очиқ бўғинлар синф бўғин картонига ёпиштирилади ва бу тузилган бўғинлар синфда жўр бўлиб ўқилади.

У унлиси ўрганилгандан сўнг тахминан қуйидагича бўғин жадвали тузиш мумкин: бу, шу, ту, пу, лу, му, ку, қу, ду, су, ув, уш, уг, уп, ул, ум, ух, ус, ул.

Бўғин жадвали билан қуйидагича ишланади:

а) ўқитувчи кўрсатган бўғинларни ўқувчилар ўқийдилар;

б) ўқитувчи бўғинни айтади, ҳатто синф ёзув тахтаси олдига чиққан ўқувчи жадвалдан топиб кўрсатади;

в) ўқитувчи жадвалдаги икки бўғинни кўрсатади, ўқувчи уларни қўриб бир сўз қилиб ўқийди;

г) ўқитувчи сўз карточкасидан икки бўғинли сўзни кўрсатади, ўқувчи жадвалдан бу бўғинларни топади;

д) ўқитувчи бир бўғинни кўрсатади, ўқувчи ўқитувчи кўрсатган бўғин билан сўз ясаш мумкин бўлган бошқа бўғинни топади;

ж) сўз ясаш мумкин бўлган икки бўғинни жадвалдан кўрсатиш ўқувчиларнинг узларига топширил

1996 йил—Амир Темур йили

ТЕМУРНИНГ ЁШЛИГИ

I. БОЛАЛИК

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

Амир Темур

Инсоният тарихида ўтган буюк сиймолар, шахслар ҳақида замонлар ўтиши билан турли нақллар, ривоятлар тўқилиб, улар тарихий ҳақиқатга чатишиб кетган бўлади. Пайғамбарлар туғилиши, болалиги ва ҳаёти мўъжизавий воқеа-ҳодисаларга тўла бўлиб, бунда илоҳийликнинг инсон боласи ақли-тафаккурига сиғмайдиган тилсимлари мавжуд бўлади. Пайғамбарлар ва набийларнинг туғилиши ғайри-табиий, уларга Аллоҳнинг нazари тушган, номи эса дунёга келмасликлариданоқ маълум ва машҳур бўлади. Бундай ҳодисалар баъзи подшоҳлар, азиз-авлиёлар туғилишида ҳам содир бўлар экан.

Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилиши, болалиги ва ўсмирлиги, кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам тарихий ҳужжатлар билан бирга халқда турли ривоятлар, нақллар тўқилганки, улар тарихий ҳақиқат билан чирмашиб кетган. Соҳибқирон ҳазратларининг туғилишларида ҳам ғаройиб воқеа-ҳодисалар рўй берган экан. Ривоятда айтилишича, Соҳибқирон дунёга келишлари пайтида Ҳисор тоғлари қаттиқ силкинган, даҳшатли бўрон-довул бўлган, кўп бинолар, дарахтлар зилзиладан қулаган. Донишмандлар бу воқеани рақам этиб, бани Одам устида ҳукмронлик қиладиган янги шарофатли зот туғилди деб, эслатишган экан.

Соҳибқирон туғилиши ва ҳаётини дарж этган энг аввалги тарихчилардан бири Шарафиддин Али Яздий ҳазратлари «Зафарнома» асарида ,шундай рақам этадилар: «Қозонхон салтанати замонида подшоҳлик тонгги Аллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади ва шаҳаншоҳлик юлдузининг нурлари тангри иноятлари авжида порлай бошлади. Етти юз ўттиз олтинчи йил йигирма бешинчи шаъбонда сешанба кечаси (1336 йил 8 апрель), яъни мўғуллар даврий йил ҳисобининг бошланиши бўлган сичқон йили Кеш (шаҳри) атрофидаги бир дилкаш жойда, пок шаръий қоидага мувофиқ ул динпарвар нуённинг никоҳида бўлган покиза Тагина хотуннинг чодиридан ҳазрат Соҳибқироннинг вужуд офтоби бахтли чиқиш уфқида кўринди ҳамда унинг оламни ёритгувчи янги ойи саодат буржидан узлуксиз ёғду тарата бошлади». («Зафарнома», 26-саҳифа).

Шарафиддин Али Яздий ва бошқа олимлар эътирофича, Темурбек икки сайёра — Зуҳал билан Муштарий яқинлашуви (қирони) даврида дунёга келгани учун унга Соҳибқирон номи берилган. Бу икки юлдузнинг яқинлашуви — қирони ҳар саккиз юз йилда такрорланиб, бундай қунда туғилган бахтиёр зотлар дунёда учта экан: Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад пайғамбар (САВ), Амир Темур ҳазратлари.

Амир Темур Қурагоннинг «Уз аҳвол ва атвори, юруш ва қунуши, мусолиҳа ва муҳораба воқиъотини туркий луғот бирлон ёзғон китоби» — «Таржимаи ҳол» («Зафар йўли», Т., 1992)да шундай ривоят келтирилади: Темурбек туғилмасдан олдинроқ оталари Амир Тарағай бир туш кўрадилар. Тушида ёш, чиройли бир йигит келиб унга қилич беради. Қилични қўлига олиб, ҳавода ўйнатади. Пулат қилич ялатирашида жумла олам ёришиб кетади Амир Тарағай бу сирли тушининг таъбирини пирлари Шамсиддин Кулолдан сурайди. Шайх тушни шундай таъбирлайди: «Бу тушинг пайғамбарона туш, Аллоҳ сенга ўғил фарзанд беради. У вояга етиб, бутун дунёни забт этади, турли халқларни таслим қилади, дунёни ҳар хил бидъатлардан, зулматдан ва адашишлардан ҳалос қилади!»..

Амир Тарағай хонадонида ўғил фарзанд туғилади. Ақиқа вақти чақалоқни Шамсиддин Кулол ҳазратлари ҳузурига олиб боришади. Шу пайтда шайх Қуръони Каримнинг ушбу оятини ўқиб ўтирган эканлар: «Амантум ман фи-с-сама ан йўхифа бикуму-л афда фа иза хийатамуру». (Мулк сураси, 16-оят) Қуръоннинг бу оятида «Тамуру» (доимий ҳаракатда- деган сўз келгани учун чақалоққа Темур деб исм қўядилар...

Бу ўринда Соҳибқирон ҳазратларининг оналари ҳақида мухтасар сўзлаш жоиз. Соҳибқирон оналарининг исми шарифи Тегинабегим (баъзи манбаларда ва оғзаки ривоятларда Некия, Некузбегим) бўлиб, ул зот Бухорода шариат илмининг пешволаридан бўлмиш Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн аш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Махбубий ал-Бухорийнинг суюкли қизлари эди. Ул кишининг авлод-аждодлари Бухоро музофотида яшаб умргузаронлик қилган ислом пешволаридан бўлган. Ҳижрий 1124(1712) йилда битилган «Темурнома» (муаллифи аниқланмаган)да шундай маълумот келтирилади: «Улуғ Амир Темурнинг онаси Тегинабегимнинг отаси Бухорода таниқли олим Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Ал-Махбубий Бухорийдир. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ Бухорий авлодидан бўлган мавлоно Тож аш-шариъа Абу Абдуллоҳ Умар Карманада яшаган ва 1309 йилда Карманада вафот этган. Шажара жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак, бу зотлар Амир Темур ота-бобоси томонидан авлод бўлган».

«Садр аш-шариъа» — «шариат улуғи», Тож аш-шариъа — шариат тожи, Бурхон аш-шариъа — шариат ҳужжати деган маънода бўлиб, Соҳибқироннинг она томондан боболарининг диний унвонларидир. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ вафот этганларида (1346) Соҳибқирон ўн бир ёшда эдилар.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да Соҳибқироннинг илк болалик чоғларини шундай таъриф этадилар: «Эмизакли даврни ўтаб, эси кириб қолган ёшга етганда, унинг юриш-туриши боғларидан салтанат ва жаҳондорлик буйи худди баҳор насими келтираётган райҳонлар атридек тараларди. Сўзи ва ишининг қатъийлигидан сарварлигу қудратлилик нури худди озор ойи булутининг чақмоғи ўтидек чақнарди... улуғвор қунли шамолдай тез ва учқур бедовларни минишга, чавандозлик қилишга жуда мойил эди. Ўн ёшидан то ўсмирлик қиёмигача вақти ов қилиш ва жангу жадал расму қоидасини ўрганиш билан ўтар эди».

Бу иншодан аён бўладики, Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик даврига ниҳоятда умумий таъриф-тавсиф берилган. Хўш, Шарафиддин Али Яздий нега бундай йўл танлаган? Муаррихнинг ўзлари эътироф этишларича, Соҳибқирон даврларида кўп тарихлар, шунингдек, туркий шоирларнинг шеърлари «Манзумоти туркий» деган ном билан жамланган. Соҳибқирон уша тарих битикларидан, жумладан туркий тилда битилган шеърлардан ўзларининг ёшлигига доир воқеаларни чиқариб ташлаган. Негаки, Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик даврида қилган ишлари ғаройиб ва ажойиботларга тўла бўлиб, у киши бу воқеаларга келгуси авлодлар ишонмайди, деган эканлар. Шундай қилиб, Соҳибқироннинг болалиги ва ўсмирлигига оид аниқ маълумотлар уша даврларда ёзилган тарихий китобларда деярли учрамайди, фақат умумий таъриф-тавсиф бериб ўтилади. Қачонки, 1487 йилда ёзилган Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарида Соҳибқироннинг болалиги ҳақида ажойиб бир битик сақланиб қолган: «...Унинг (Амир Темурнинг) асли Кеш вилоятидан бўлиб, у барлосларнинг улуғ амирларидан амир Тарағайнинг ўғлидир. Чиғатой улусида асиллик ва баланд мартабаликда барлослардан бошқа қабила бўлмаган. Ва амир Тарағай Чингизхоннинг улуғ амирларидан Қарожор нуённинг набирасидир... Амир Тарағай ҳамма вақт Соҳибқиронни зебу зийнат билан тарбия қиларди ва Соҳибқирон салтанатнинг ясо ва қонун-қоидалари билан машғул бўлар эди...

Дейдиларки, Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига боради. У киши бадавлат, нуфузли ва бой бўлиб, фаровон кун кечирар эди. Унинг етмишта турк ва ҳинд қули бор эди, моллари кўплигини шундан ҳам билса бўларди. Уша киши Соҳибқироннинг отасига шикоят қилди: «Худо менга кўп молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим эса салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман». Соҳибқирон гапга аралашди ва деди: «Эй ота, фарзандларингга молларингдан бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига доҳил қилгинким, улар ўз-ўзи билан овора бўлсин. Сўнг турк қулларни ҳинд қулларинг тепасига қўйгинки, ҳиндларни ўз амри фармонларига бўйсундирсинлар. Кейин ҳар уч қулни улардан ақллироқ бир қулинг ихтиёрига топшир. Сўнг уларнинг ҳар бирини еттитадан қулнинг амири қил. Кейин етмиш қулга бош бўлган ана шу еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар». Уша киши дарҳол амир Тарағайга деди: «...сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни унинг шу гапларидан фаҳмлаб турибман... Сўнг сиёҳдон қалам ҳозирлади ва уша мажлисда Соҳибқирондан хат ёздириб олдики, бунда унинг «давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, бирор киши уша киши, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан ҳирож олмасин; уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар; унинг қавми тархон қилинсин». Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида тархондирлар». (Давлатшоҳ Самарқандий, Т., 1967. Бўрибой Аҳмедов таржимаси.)

Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу баёни уч жиҳати билан муҳим: биринчидан, муаррих Соҳибқироннинг Кеш вилоятида туғилганини; иккинчидан, унинг етти ёшда эканлигида ақлу фаосатда камолатга эришганини; учинчидан, шу етти ёшдаёқ саводли бўлганлигини, яъни бой-бадавлат кишига «йўл қўрсатганлиги»ни айтиб, кейинги авлодларга Соҳибқирон болалигини, кашф этиб беради. Шунингдек, муаррих Кеш вилояти амир Тарағай авлоди қўлида бўлиб келганлигини ҳам эслатади...

(Давоми бор)

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
ТошДУ доценти.

Ҳар бир элнинг ўз урф-одати, узига хос яшаш тарзи ва яна инсонлар ўзиларини олиб қочадиган «ғирром»лари-ю нопоклари, ҳамма учун қадрли ҳисобланмиш улуғ инсонлари бор. Бундай азиз инсонлар халқ тили билан айтганда эл кайвониларидир, эл дарғаларидир. Бу ҳеч ким инкор эта олмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Аммо эл орасида обрў-эътибор топиб, халқ қалбининг тўридан мустаҳкам жой олмоқ, ўз элида улуғ бўлмоқ осонми?

Усмон бобо Ҳамроевнинг номини Чироқчи туманида ҳамма ҳурмат билан тилга олади десак, ҳеч қандай муболаға қилмаган бўламиз. Ҳа, Усмон бобонинг туман тарихида ўзига хос ўрни бор.

Илк меҳнат фаолиятини 15 ёшли ўсмирлигиданоқ муаллимлик касбидан бошлаган бу инсон бутун ҳаётини тарғибот ва ташвиқот, илм-маърифат тарқатишдек шарафли ишга бахш этиб келаётир. «Чироқчининг Усмонбобоси» маърифат йўлида илк бор иш бошлаганда туғилган жажжи чақалоқ бугун қутлуғ 50 ёшдан ошиб, ширингина набираларининг севикли бобоси бўлиб турибди. Усмонбобочи? У киши ҳалиям қарилик олдида бўй эгмасдан, эл ичида тарғиботу маърифат ишларининг устаси сифатида елиб юрибдилар.

Узининг ярим асрдан ошиқ, аниқроғи 54 йиллик меҳнат фаолияти жараёнида ўқиб, ўрганиб, катта ҳаёт мактабидан сабоқ олган У. Ҳамроевнинг «меҳнат дафтарчаси»ни кўздан ўтказган киши ўтган йиллар тошу-тарозиси билан ўлчаганда ҳам жуда-жуда масъулиятли серташвиш ва шу билан бирга ўта ибратли ҳаёт йўлини кўз олдига келтиради: қишлоқ муаллими, халқ таълими бўлими мудири, ўқув-ҳунар корхонаси директори, мактаб директори, ўқув ва илмга бахш этилган йиллар, қанча-қанча фахрий ёрлиқлар, орден ва медаллар...

Ростданам «Чироқчининг Усмонбобоси» ўз ҳаёти давомида ҳалол-пок ишлаб келмоқда. «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси», республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Усмонбобо Ҳамроев айни кунда бир кам етмиш ёшга кирган бўлсалар-да, ҳамон эл-юрт хизматида. Мана, бир неча йиллдирки, Усмонбобо туман фахрийлар кенгашининг раиси вазифасини ўзига хос кайвонилик билан бехато бажариб келаётир. Фахрийларнинг талаб-истакларини бажариш, давр талабидан келиб чиққан ҳолда туман қарияларини ҳимоялаш, мустақил юртимизнинг буюк келажаги учун уларнинг таклиф ва ташаббусларини жорий этиш, туман фахрийларининг ибратли ҳаётидан маълумотлар тўплаб, китоблар чоп этиш сингари талайгина ишлар амалга оширилди. Амалга оширилиши лозим бўлган долзарб ишлар эса яна бир талай...

Мен яқинда Чироқчи бозорида Усмонбобо билан учрашиб қолдим. Ишонинг, бозордаги деярли барча одам у киши билан салом-алик қилмасдан ўтмасди. Усмонбобо ҳам уларнинг ҳар бири билан самимий, очилиб-сочилиб сурашар ва яна улардан қанча-қанчалаб қадрдонларининг саломатлигини сураб қоларди...

Биз иккаламиз «бир амалга» бозордан чиқиб олдик. Аммо катта кўчада ҳам йўлимиз сира унмасди. Одамларнинг Усмонбобо билан ҳол-аҳвол сурашиши уша-уша эди. Беихтиёр ўйга толдим: «Шунчалар ҳурмат, шунчалар обрў-эътибор...». Ишонинг, Усмонбобога ич-ичимдан ҳавасим келди. Кекса маърифатчига ўз эли кўрсатаётган иззат-ҳурмат мени ўзига жуда-жуда ром этди. Беихтиёр, ажойиб ҳофизимиз ижро этган қушиқнинг қуйидаги сатрлари хаёлимда тикланди: «... Менинг кимлигимни эл билса бўлди...».

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

СЕНИНГ КИМЛИГИНГНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ

«Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшанг».

Шароф РАШИДОВ.

(Боши 1-бетда)

ПРОФЕССОР ТОҲИР ЧИҒАТОЙ КИМ ЭДИ?

Марҳум татар адабиётшунос олими профессор Иброҳим Нуруллин Татаристонда чиқиб турган «Қозон ўтлари» журналининг 1991 йил 3-сонида босилган «Адиб изларидан — Туркияга» мақоласида машҳур татар адиби Аёз Исҳоқийнинг Советлардан қочиб хорижий Туркия, Германияга ўтиб кетгандан кейин собиқ СССРдаги мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий истиқлол йўлидаги фаолияти ва у ердаги адабий мероси ҳақида сўзлайди, сўнг унинг қизи Саодатхоним ва қўёви Тоҳир Чиғатойларнинг охирги тақдирлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтади. «Кейинчалик маълум бўлишича, — деб ёзади олим Иброҳим Нуруллин улар ҳақида, — Саодатхоним Чиғатой 1988 йилда Эдил-Урол бўлимида ҳам Ўрта Осиёда яшовчи Туркий халқларнинг тарихи ва маданиятини ўрганишга ёрдам тариқасида «Аёз-Тоҳир: Туркистон-Эдил-Урал вақфи» номли бир муассаса тузган ва 1984 йил вафот этган эри профессор Тоҳир Чиғатой билан биргаликда топиб тўплаган молмулкларининг кўп қисмини шу муассасага берган. Мен келиб кирган уй Саодатхонимнинг вақфи (совға қилиб берган уйи) экан. Яна шуниси характерлики, Саодатхоним мени шу уйда кутиб оларман деган ният билан эрининг ишхонасини ҳам таъмирлатибди. Лекин ўзи ўлиб, ворислари қолмагандан кейин уйни маҳкама муҳрлаб кетибди. Уйда шу вақф кенгаш аъзоси бўлган Шокир Турон исмли бир йўтур йигити яшар экан».

Собиқ Иттифоқ тарқалгандан кейин бу ерда бошланган демократик ўзгаришлар туфайли Ўрта Осиёлик хорижий муҳожир олимлар қатори профессор Тоҳир Чиғатой хизматлари ҳам холис баҳолана бошланди. 1994 йилда Қозоғистонда рус тилида нашр этилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг хорижий тадқиқотчилари» номли библиографик кўрсаткичда Германияда ўқиган марҳум ватандошимиз профессор Тоҳир Чиғатой номи ҳам энди аввалги даврдаги каби «буржуа сохталаштирувчилари» деган қора буёқлар билан эмас, балки Эдуард Оллворт, Александр Бенниксон каби машҳур Ғарб туркийшунослари қатори ҳурмат билан тилга олина бошлади: «Тоҳир Чиғатой машҳур туркий тарихшунос олим бўлиб, 1936 йилда Истанбулда қозоқ маърифатпарвари Мирёқуб Давлатнинг «Уйғон, Қозоқ!» номли китобини нашр эттирган ва унга каттагина сўзбоши ҳам ёзган. 1950-1960 йиллар ичида «Қизил империализм» деган номдаги бир неча асарларини нашр эттирган. Уларда олим Ўрта Осиё ва Қозоғистонни туркий-русий зиддиятлари нуқтаи назаридан ёритган» (Қаранг: «Зарубежние исследователи Средней Азии и Казахстана. Библиографический указатель, Алмати, 1994, стр. 75-76). Шундан сўнг Тоҳир Чиғатой ва унинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида янги маълумотлар излаб, 60—70-йилларда Германия ва Туркияда бўлиб қайтган узбек олими Эргаш Фозиловдан ҳам бирмунча янги маълумотлар олдик. «Мен 1969 йил Анқарада бўлиб ўтган халқаро туркийшунослар конгрессида, профессор Тоҳир Чиғатой ва унинг хотини Саодат Чиғатой ҳамда профессор Иброҳим Ёрқинлар билан биринчи бор учрашгандим, — дейди бу ҳақда Эргаш Фозилов, — улар билан бирга расмга ҳам тушганман. Уша йилларда мен УзФА тил ва адабиёт институти туркийшунослик бўлими мудири эдим. Совет туркийшунослиги қўмитаси аъзоси сифатида Анқарада мазкур анжуманда қатнашиб, «XI—XIV асрлардаги туркий ёзма ёдгорликлар тили таснифига доир» мавзуида маъруза қилдим. Маърузамдан сўнг менинг олдимга профессор Тоҳир Чиғатой ва унинг рафиқаси Саодатхоним Чиғатойлар келиб табриклашдилар ва ҳар иккалалари ҳам кўзларида ёш билан узбек олимлари билан биринчи бор учрашаётганликларини изҳор қилдилар, мен билан бирга расмга тушдилар, уйларига меҳмонга таклиф қилдилар. Шу конференцияда профессор Иброҳим Ёрқин билан ҳам танишган эдим. Тоҳир Чиғатой ҳам, Иброҳим Ёрқин ҳам ўзларининг асл тошкентлик эканликлари, 20-йилларнинг бошларида Туркистондан Германияга ўқишга юборилганликлари, лекин кейинчалик ўқишни битириб Узбекистонга қайтган дўстларининг қамалганликларини эшитиб ватанларига қайтмай бу ерда қолиб кетганликлари, Тошкентда қавм-қариндошлари борлиги ва уларга саломларини етказишларини илтимос қилган эдилар, мен кейинчалик уларнинг саломларини қариндошларига ҳам етказган эдим. 1972, 1979 йилларда яна хорижда халқаро туркийшунослар конференциясида қатнашдим. Шу вақтларда Тоҳир Чиғатойнинг рафиқаси профессор Саодатхон Чиғатой билан яна бир неча бор учрашдим. У шу конференциялардан бирида «Туркий халқлар адабиёти тўғрисида» маъруза қилди. Олима ўз эри, таниқли олим Тоҳир Чиғатойнинг Туркистон иқтисодиёти, тарихи, адабиёти ва тили ҳақидаги асарлари, унинг ўз она ватани Узбекистонга бўлган чексиз муҳаббати, соғинчлари ҳақида сўзлади. Саодатхонимнинг ўзи ҳам Ғарбда таниқли туркийшунос сифатида машҳур ва бу соҳада бир қанча қиммат-ли асарлар яратган, Шарқ ва Ғарб тилларини пухта эгаллаган олима эди. Ўзим ҳам унинг айрим мақола ва асарларидан истифода этиб, китобларимда унинг номини ҳурмат билан эслаб ўтганман. Афсуски, Узбекистон мустақилликка эришмагунча Тоҳир Чиғатой ва Саодатхоним қаби халқаро миқёсдаги таниқли туркийшунос олимларнинг асарлари бизда ўрганилмай келинди». Шу йил май ойларида марҳум Саодатхоним Чиғайтой-Исҳоқийнинг Тошкентда истиқомат қилиб турган қариндошларидан бири, тиббиёт мутахассиси Суюмбека Шарипова Анқарада бўлиб қайтди. У бизга Саодат Чиғатой ва унинг эри ватандошимиз марҳум профессор Тоҳир Чиғатойнинг кейинги ҳаёт ва тақдири ҳақида яна бирмунча янги маълумотлар олиб қайтган. Саодат опа марҳум татар классик адиби Аёз Исҳоқийнинг қизи бўлса, менинг онам Гайналмарзия Исҳоқия эса Аёз Исҳоқийнинг синглиси, — дейди бизга Суюмбека опа— Аёз Исҳоқий муҳожирликка кетгач, менинг марҳум онам ҳам акаси туфайли совет таъқиби ва қамоқларини бошидан кечирди, акаси Аёз Исҳоқийни ҳам, унинг қизи Саодат опа, қўёви узбек йигити Тоҳир Чиғатойларни ҳам қўролмай, армон билан оламдан ўтиб кетган эди. Мен бу йил Туркиядаги танишларимдан бирининг таклифига мувофиқ Анқарага борганимда биринчи навбатда уларнинг қабрларини зиёрат қилдим. Саодат опанинг ўз васиятларига кўра унинг жасади ҳам Анқарада марҳум эри профессор Тоҳир Чиғатой қабри ёнига кўмилган экан. 1996 йил 23 май куни Шокир Турон билан учрашдим. У кишининг айтишига қараганда, Тоҳир Чиғатой Шокир Туронни Шарқий Туркистондан олиб келган, кутубхона ишлари бўйича махсус маълумот олдирган ва у 23 йилдан ортиқ уларнинг хонадонларида яшаган. Ҳозир ҳам шу ердаги вақфга ўтказилган уйда яшаётган экан. Унинг сўзларига қараганда Тоҳир Чиғатойнинг китобларини унинг вафотидан кейин хотини Саодатхоним тарқалиб кетмаслиги эҳтиётини қилиб, ўз қули билан «Отатурк маданий маркази» кутубхонасига топширган. Унинг бу китоблари учун кутубхонада махсус бўлим ажратилган. Китобларни доктор Мужгон Жонбарҳоним тартибга келтириб тузиб чиққан экан».

Профессор Тоҳир Чиғатой бизга қандай илмий мерос қолдирган? Уларнинг аҳамияти нималардан иборат? Буниси энди алоҳида мавзу.

(Давоми бор).

Шерали ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими.

Қарор ва ижро

ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан жамиятимиз тараққиётида туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш муносабатларида жиддий таркибий ўзгаришлар юз бермоқда, ишлаб чиқариш қучлари қайта тақсимланмоқда. Халқ хўжалиги тармоқларида мавжуд қучларнинг ўрин алмашуви содир бўлаётир. Мулкка муносабатларнинг ўзгариши шароитида янги технологияга ўтиш, кам самарали хўжалик тизимларини самарали хўжалик тизими билан алмаштириш тезлашмоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар устивор йўналишга эга бўлаётир. Даромад, рентабеллик, баҳо, қиймат, сифат кўрсаткичлари биринчи ўринга кўтарилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, инсоннинг ишлаб чиқариш муносабатларидаги роли ўз ўрнининг ўзгаришига олиб келяпти. Бундай шароитда, шубҳасиз, ҳунар-таълим тизимида энг асосий муаммолардан бири бу ўқувчиларга таълим бериш сифатини оширишдир.

Бугунги кунда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 439 та ҳунар таълими ўқув муассасаларида 260 дан ортиқ касб бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ҳунар таълими концепцияси ишлаб чиқилгандан кейинги йилларда таълим мазмуни, ташкилий шакли ва услубларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бозор шароитида ўз ўрнини топиб кета оладиган, ишини яхши биладиган мутахассислар тайёрлаш мақсадида 146 та ҳунар билим юрти негизида ҳунар лицейлари, 50 таси негизида бизнес мактаблари, 5 таси негизида Республика ўқув ишлаб чиқариш марказлари, 7 таси негизида узбек-турк ҳунар лицейлари ва 18 таси негизида миллий ҳунармандчилик лицейлари ташкил қилинди.

Қишлоқ ёшларини тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш касбларига қизиқтириш ривожлантириш ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳунар таълими ўқув муассасаси негизида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари (сартарошхона, новвойхона, тегирмон, ямоқчилик устахоналари ва ҳ.к.) очилди.

Кўпчилик фанларнинг дастурларига таълимнинг янги технологияси ва ишлаб чиқариш иқтисодиётига оид мавзулар киритилмоқда. Бунга мисол қилиб ҳамма гуруҳлар учун 90 соатлик «Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» фанининг киритилишини олишимиз мумкин.

Умуман ўқув дастурларига жиддий ўзгартишлар киритилмоқда. Энди бу дастурлар ўзида ҳозирги фан, техника ютуқларини, умумий таълим ва касб тайёргарлигини, умумий таълим фанларининг касбга йўналтирилганлик даражасини, тадбиркорлик йўналиши буйича фанларни акс эттирмоқда.

Ҳунар таълими беришда асосий эътибор давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ёшларга таълим-тарбия беришнинг йўл-йўриқларини белгилаб олишга, таълимнинг замонавий технологиясини ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнига олиб киришга, бозор шароити даврида ҳунар таълими ўқув муассасалари ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълими усулларини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Янги турдаги ўқув муассасаларига 1995-96 ўқув йилида «Менежер ёрдамчиси», «Кичик ва ўрта бизнес ҳисобчиси», «Референт», «Фермер» касблари буйича 6435 нафар ўқувчи қабул қилинди. Бу касблар буйича ўқув ва мавзуий режалар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди ва жойларга тарқатилди.

Ҳунар таълими ўқув муассасаларида ўқитиш муддатини камайтириш ва бу билан ўқув муассасаларига ёшлар қабулини кўпайтириш мақсадида асосий маълумот негизида ўрта маълумот бермасдан фақат касб берадиган (ўқиш муддати 1,5-2 йил) гуруҳлар сони оширилди. 1995-96 ўқув йилида бундай гуруҳларга 35 минг 358 ўқувчи қабул қилинди. Бу умумий контингентнинг 26,8 фоизини ташкил этади.

Ҳунар таълимида янгиликлар кўп. Жумладан, илмий текшириш институти ходимлари томонидан ҳунар таълими стандартлари ишлаб чиқилди ва тажриба-синовдан ўтказиш бошланди. Ҳунар таълими ўқув муассасаларида 1996-97 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларнинг билим савиясини ва малака кўникмаларини рейтинг тизимида баҳолашга ўтилди. 1996-97 ўқув йилидан «Ўлгуржи ва чакана савдо ходими», «Тикувчи-тадбиркор», «Қурувчи-тадбиркор», «Ошпаз-тадбиркор» касблари ри бўйича мутахассислар тайёрлана бошланди...

Вазирликнинг Ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси Германиянинг Ҳунар таълими буйича халқаро ҳамкорлик фондининг ҳунар таълимини ривожлантириш маркази билан, мана икки йилдирки, ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки йил мобайнида Республикамиз ҳунар таълими ходимларидан 36 киши Германия Республикасининг Манхайм шаҳрида ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Шунингдек, немис мутахассислари томонидан 1994 йилдан бошлаб Республикамиз ҳунар таълими ходимлари учун Ўзбекистон худудида ҳар йили икки марта семинар кенгаш ҳам ўтказиляпти.

Умуман, ҳунар таълим тизимидаги бу янгиликларнинг ҳамма-ҳаммаси мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ёш авлодга касб-ҳунар ўргатишни такомиллаштириш буйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш йўлидаги эришилган натижалардир. Шубҳасиз, бу янгиликлар халқ хўжалиги учун зарур кадрлар тайёрлашда ўз самарасини беради.

Сафарбой БОБОЖОНОВ,
ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси бошлиғининг муовини.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

ВАЛЮТА МАЖМУИ — чет эл валюталарига нисбатан миллий валюта курсини белгилашда давлат идоралари мўлжал оладиган валюталар мажмуи. Валюталар мажмуасига мурожаат қилиш зарурати турли валюталар курсини беқарорлиги билан боғлиқ.

ВАЛЮТА ОПЦИОНИ — (нем. option, лат. optio -танлаш) — шартномада муқобил валюта шартномаларини танлаш ҳуқуқи. Валюта опциони шартномада изоҳланади, тегишли томонга маълум муддат ичида ёки маълум ҳолат вужудга келган шароитда бошқа валютага ўтиш имкониятини беради. Бу ҳол валюта арбитражи учун имкониятлар ҳам яратади. Опцион тўловнинг жойи, усули, шакли билан боғлиқ бўлган валюта шартларидан келиб чиқади. Шартнома ёки контракт тузишда валюта опциони шартларини аниқ ифода қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга, яъни жиддий фойда ёки зарар кўриш билан боғлиқ, чунки опцион тўловнинг келишилган муддати унинг исталган кунида тўлаш ёки тўлашдан воз кечиш имкониятини беради.

ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ — валюта фонди.

ВАЛЮТА ТАНГЛИГИ — валюта кризиси — пул-кредит тизимининг чуқур издан чиқиши мамлакат ичидаги пул муомаласини ҳамда халқаро ҳисоб-китобларни қамраб олади. Бу жараён олтин стандартини бекор қилишда, қоғоз пул муомаласига ўтишда узлуксиз инфляцияда ўз ифодасини топади. Умумий ва хусусий валюта танглиги фарқланади. Умумий валюта танглиги иқтисодиётдан умумий тангликнинг таркибий қисми бўлиб, сурункали давом этади. Валюта танглигининг асосий хусусияти олтиннинг пул сифатида ўз қадрини йўқотиши ва валюталарнинг қадрсизланишидир. Хусусий валюта танглиги вақтинчалик хусусиятга эга бўлган омиллар (умумий иқтисодий кризис, уруш ва бошқалар) натижасида юзага келадиган алоҳида бир давлат валюта танглигидан иборат.

ВАЛЮТА ТИЗИМИ — валюта ҳаракати билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуи. Миллий, регионал ва жаҳон валюта тизимлари мавжуд. Валюта тизимининг асосий вазифаси мамлакат ичида ва мамлакатлараро пул ҳисоб-китобларини таъминлаш учун шароит яратишдир. Валюта тизимининг муҳим унсурлари: валюта курси режими, валюта чеклашларининг бор ёки йўқлиги, халқаро ҳисоблар шакли, валюталарни ўзаро қайтариш шароитлари, халқаро валюта ва олтин бозорлари режими, халқаро валюта-кредит ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати (масалан, Халқаро валюта фонди).

ВАЛЮТА ФОНДИ — марказий банк ва молия идоралари ёки халқаро валюта-кредит ташкилотлари ихтиёридаги халқаро ҳисоб-китоб ва тўловлар учун фойдаланадиган чет эл валютаси ва олтин жамғармалари. Ҳозирги ўзгарувчан валюта курси шароитларида валюта фондидан валюта курсини пасайиб кетишдан сақлаш учун фойдаланилади. Мамлакатнинг валюта фондига давлат экспорт-импорт муомаласини молиялашга мўлжалланган ва корхоналар ихтиёрида бўлган чет эл валютасидаги сўм ҳисобидаги пул воситалари ҳамда фуқароларнинг валюта жамғармалари киради.

ВАЛЮТА ҚАМАЛИ — давлат органлари томонидан банклардаги ҳисоб варақаларида турган чет эл валютасидан фойдаланишни чеклаш ёки бутунлай тўхтатиш.

ВАЛЮТА ҲИСОБ ВАРАҚАСИ — корхона ва бирлашмаларнинг банкда чет эл валютаси сақланадиган ҳисоб варақаси. Бу ҳисобда чет эллик мижоз ва ҳамкорлардан тушган тўловлар, кредитта, хайриятга олинган валюта воситалари тўпланади.

(Давоми бор)

(Боши ўтган сонларда)

Бургам

Қилайлик бургадан бир қисса бунёд,
Аларни чаққанидан доғ, фарёд.

Чақар бўлса агар бурга кишини,
Киши кўрмас анинг чаққан тишини.

Учар бўлса баланду пастни билмас.
Чақар бўлса гаҳоми, шоқ айирмас.

Тоғай десанг бургани конини,
Бориб ахтар пўстакнинг қонини.

Қилар одамни доим беҳаловат,
Ҳулойим бургага бергайсан офат.

Ҳазил — айтишма

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади.
Жангга борса мард йигит,
Нишон тақиб келади.

* * *

Бу дарёда налар бор,
Урдак билан ғозлар бор.
Урдак учиб ғоз қолсин,
Душман кетиб дўст қолсин.

* * *

Дайравотнинг ғозиман,
Улфатимни созиман.
Улфатим соз бўлмаса,
Мен ундан норозиман.

* * *

Дарё боши қум экан,
Қирғоғлари чим экан,
Ҳамма бирдай сурайди,
Бу қизгина ким экан?

* * *

Том устида турган қиз,
Бўйни тўла маржон қиз.
Маржонини йўқотиб,
Маломатга қолган қиз.

* * *

Қизгина тўнинг беқасам,
Ёқасига гул солсам.
Ёқасига ғул солиб,
Мен олдингда ўйнасам.

* * *

Рўмолинг бор тўққиз кўз,
Дўсту душман қилар сўз,
Сўз қилса ҳам майлига,
Айрилмайман, қора кўз!

* * *

Сув бўйида турган қиз.
Сувни нега лойлайсан.
Рўмолингни дор қилиб,
Бизни мунча доғлайсан.

* * *

Қизил гулнинг равшани,
Айтиб келинг ўшани.
Адо бўлдим куйиб ман,
Билмайди андишани.

* * *

Қизил гулнинг равшани,
Чорлаб келинг ўшани,
Айтганда ҳам келмаса,
Худо олсин ўшани!

Ўтиринг, келин!

Келин бўлиб керилиб,
Сочи майда ўрилиб,
Чимилдиқда сузилиб,
Келин бола, ўтиринг!

Сўзларингиз маъноли,
Бармоғингиз хиноли,
Ўзиз шаму хаёли,
Ой келиной, ўтиринг!

Ҳўп келишган бўйингиз,
Яхши ўтсин тўйингиз,
Қутлуғ бўлсин уйингиз,
Келин бола ўтиринг!

Катта уйга хон бўлинг,
Хирмондаги дон бўлинг,
Бир умри шодон бўлинг,
Келин бола ўтиринг.

Куёвга меҳмон бўлинг,
Бир тану бир жон бўлинг,
Доим меҳрибон бўлинг,
Жоним келин, ўтиринг.
Ой келиной, ўтиринг.

Сизлар кирган уйларга,
Қўш чироқлар ёқилсин.
сизлар юрган йўлларда.
Гул лолалар очилсин!
Ой келиной, ўтиринг,
Жоним келин, ўтиринг.

Юрган йўлларингизда,
Турфа гуллар очилсин.
Бошингиздан доимо,
Олтин, кумуш сочилсин.
Ой келиной, ўтиринг.

Омон бўлсин жонингиз,
Чош бўлсин хирмонингиз,
Тўлсин дастурхонингиз,
Келин, жоним, ўтиринг.

Ойдин бўлсин йўлингиз,
Очиқ бўлсин қўлингиз,
Ширин бўлсин тилингиз,
Келин жон-эй, ўтиринг.

Навноҳолдир қиз бола,
Келин бўлар сўз бола,
Айтди Руқия хола.
Келинжон-ей, ўтиринг,
Жони келин, ўтиринг!

Йигитча

Кичкина чарвоқ ичида,
Чарх уриб ётган йигит.

Бевафо ёр жабридан қўп.
Ғуссага ботган йигит.
Салласин қуксига қўйиб,
Бир ғазал айтган йигит.

Бу тазални кимга айтдинг,
Тути бирлан турнага.
Тути кетди, турна қолди,
Бул чироқнинг ўтига.

Бу чироқнинг ёнганидан.
Ёнмаганни яхшироқ.

Бевафо ёр бўлганидан,
Бўлмагани яхшироқ.

Айтувчи: Руқия хола РОЗИҚОВА, 81 ёшли кўзи ожиз нафақахўр, Ёзиб олувчи: Қилич ТЕМИРОВ, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Кескантерак қишлоғи, 3-мактаб ўқитувчиси.

Ўйнаганлар бўлади хуш, Хоразмнинг лазгисига...

Ҳуллас...

СУЛТОНЛАР СУЛТОНИ

Дунёдаги энг бой, давлатманд кишилардан бири Бруней султони Ҳасан ҳисобланади. Унинг бойлиги 40 миллиард доллардан ошиқ ҳисобланяпти. У ўз митти давлатининг (лекин нефть ва газга бой) ягона ҳукмдоридир. Унинг саройи 1760 хонадан иборат. Барча хоналарга соф олтиндан ишлов берилган. Ошхона идишлари ўз йўлига, ҳатто оддий розетка ва чироқ ёқкичлар ҳам тилладан. Султоннинг 250 та автомашинаси бор. Шулардан 50 таси дунёда энг машҳур роллройслардир. Ҳукмдорнинг шахсий «Боинг» самолёти ҳамда яхтаси мавжуд. Ҳисобларга қараганда, султоннинг бойлиги соатига 40 миллион долларга ошиб бораркан.

Дунёда энг яхши мамлакат

Канада дея ҳисоблаяпти БМТ. Ўзга сайёраликлар ҳам шундай фикрда, чамаси. Маълумотларга қараганда, 1994-1995 йиллар орасида Канада Нужларнинт 372 та ташрифи қайд этилган. Айниқса, Колумбия штати бу жиҳатдан илғорлар сафида. 1989 йилдан бу ерга 465 нафар ўзга сайёралик «қўноқ» бўлишган.

Энди ҳиндуларга бензин чикора

Ҳиндистон технология институтида ажратиб олинган суюқликдан автомобиль двигатели ишлаб кетди. Бу суюқлик ўсимликдан олинганки, улар мамлакат ўрмонларида ғужғон ўсиб ётибди. Кашфиёт 30 ёшли Рамар Пиллаига тегишли. Ишлаб чиқариш технологияси ҳозирча сир тутиляпти. Пиллаининг бирги́на орзуси бор: ихчамгина завод қуриш ва ўзига қурилмачилар ёллаш. Чунки, бир марта унга суиқасд қилишга уринишган.

Кечиккан ташриф

Қозонлик Н. деган йигит йигирма йилдан сўнг «дунё юзини» кўрди. Уч ойлигида онаси ташлаб кетди. Сўнг болалар уйи. У ерда ўғрилик қилгани учун турмага. Яна турма. Яна... Хуллас, орадан йигирма йил ўтгач, озодликка чиқди.

ана шунақа гаплар...

Касбим — фахрим

ҲУНАР — ЗАР, ҲУНАРМАНД — ЗАРГАР

Касбни тўғри танлаш ҳар бир ёшнинг орзусидир. Касблар ҳақидаги маълумотлар шу касбни танлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу орқали касб танловчи касб билан янада яқиндан танишади, у ҳақида кўпроқ нарсаларни билиб олади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ҳам касблар ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Меҳнат қилиш деганимиз қайсидир бир табиат объектини меҳнат предмети сифатида танлаб олиб, ушбу объектга таъсир ўтказишдан иборат бўлади. Шу белгиларга қараб касблар анъанавий бешта: «одам — техника», «одам — белгилар тизими», «одам — табиат», «одам — одам» ва «одам — бадиий образ» турларига ажратилади.

Биз, айниқса, халқ ҳунармандчилиги касбларига тўхталиб ўтиб, уларни юқоридаги «одам — бадиий образ» касб турларига киритсак. Чунки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, миллий қадриятларимиз қайта тикланаётган даврда ўзбек халқининг турмуши, урф-одати, анъаналари, маданияти билан узвий алоқада бўлиб келган халқ ҳунармандчилиги, унинг касблари алоҳида аҳамият касб этмоқда. У халқ билан бирга яшаб, доимо унинг турмуш заруратини қондиришга хизмат қилиб келаётир. Бугунги кунда ҳунармандчилик касблари янгича мазмун кашф қилиб, ҳозирги замон ишлаб чиқариши билан жипслашиб кетмоқда.

Халқ ҳунармандчилигининг асосий турлари сифатида темирчилик, заргарлик, ёғоч, суяк ва ганч ўймакорлиги, каштачилик, кигиз босиш, тўқувчилик, кулолчилик ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар янада кичик турларга бўлинади. Масалан, тўқувчиликка мато, жун, гилам тўқиш турлари ҳам киради. Бу касб эгалари кучли эстетик дидга эга бўлиб, нарсалар орасидаги шаклларнинг табиий узвий уйғунлашишларини, ранглларни англай олишлари зарур бўлади. Объектларнинг икир-чикирларигача ажрата олишдек кучли хотирага эга бўлишлари талаб қилинади.

Бу касбларда кўпчилик меҳнат операциялари қўл меҳнати билан бажарилади. Шу сабаб касб эгаларининг қўллари мураккаб ҳаракатларни бажара олиш имконига эга бўлиши жуда зарур. Аммо одам қўлининг кучи ва ҳаракат қила олиш тезлигининг табиий чекланганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда бундай етук маҳоратга кўп марталаб қайталаш билан, тинмасдан ишлаш орқали меҳнат кўникмаларини эгаллаш билан эришиш мумкин.

Касб эгалари атроф-муҳитни эстетик ўзгартириш билан шуғулланади, шунинг учун ҳам улар конструкторлик маҳоратига ҳам эга бўлишлари зарур. Касбий меҳнат фаолияти ижодий сифатда бажарилиши талаб қилинади. Тайёрланаётган ҳар қандай буюмда устанинг шахсий ижод белгилари сезилиб туради. Масалан, Сейтнияз уста ишлаган дуторлар қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган.

Ҳунармандчилик касблари халқнинг кундалик турмуши билан боғлиқ. Бу касбларни республикамизнинг ҳар қайси бурчагида ҳам ўргатиш ва ташкил қилиш имкони бор. Чунки улар маҳаллий хом ашё,материаллар — дарахтлар, мева дарахтлари, мол жуни ва шохлари, суяклари, терилари, тупроқ, тошлар, шунингдек, саноат корхоналарининг чиқиндиларига асосланган бўлиб, халқ истеъмол моллари, уй-рўзғор буюмларини, иш қуролларини унча мураккаб бўлмаган асбоб-ускуналар ёрдамида ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Инсон дидига жавоб берадиган дўппи, кийим, тўн, этик, чопон тикиш, эгар ясаш, узук ишлашдек касб эгаларидан ижодий малака талаб қилинади. Бу касб эгалари ўлчамни, фазони кўз билан чамалаб билишлари зарур. Бундан ташқари эшитиш ва ҳидни сезиш қобилиятлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу сезгилар ёрдамида ишнинг, хом ашёнинг сифатини (масалан, ёғочни уриб кўриш билан ёки ҳидидан унинг яроқлигини) аниқлашга эришилади. Кўпчилик меҳнат операциялари қўлда бажарилганлигидан қўл мушаклари жисмонан чиниққан бўлиши, бармоқлар эпчил ва сезувчан, чаққон ҳаракат қила олиши талаб қилинади.

Меҳнат фаолияти махсус иш жойи — устахоналарда, очиқ ҳавода, шунингдек, ўзгарувчан табиий шароитларда олиб борилиши мумкин. Касб эгасининг организми ҳар қандай иш шароитига мувофиқлашишга ҳозир бўлмоғи лозим.

Хўш, халқ ҳунармандчилиги касблари шундай сифатларга эга экан, «уларни қандай эгаллаб бўлади?» деган табиий савол туғилади. Халқ ҳунармандчилиги бўйича малакали ишчилар, усталар ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида кенг қўламда ташкил қилинаётган ҳунармандчилик лицейларида тайёрланади. Махсус назарий билимларга эга бўлиш учун ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш зарурдир.

Оразгалий КНАЗБАЕВ,
ЎзПФИТИ стажер-тадқиқотчиси,
Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси.

БАҲШИГА БАҒИШЛОВ

Қорақалпоқ халқининг машҳур достони «Қирқ қиз» Қурбонбой Жиров (баҳши) Тожибоевдан ёзиб олиниб, нашр этилган.

Бу йил Қурбонбой баҳши таваллудига 120 йил тўлади.

Ана шу санага бағишлаб Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университетида илмий анжуман бўлиб ўтди. Уни доирлфунун ректори, профессор Қ. Ўтениёзов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда профессор Қ. Мақсетов «Қурбонбой Жировнинг ҳаёти ва эпик репертуари», профессор Ю. Пахратдинов «Қурбонбой Жировнинг «Қирқ қиз» достонидаги юмор ва сатира», профессор Қ. Султонов «Қурбонбой Жировнинг « Ер Зивар» достони», доцент Ш. Абдиназимов «Қурбонбой Жировнинг «Қирқ қиз» достонининг тил хусусиятлари», Ш курс талабаси Х. Абдирамонов «Қурбонбой Жировнинг «Қирқ қиз» достони билан Қиёс Жиров қуйлаган «Қирқ қиз» достонининг анъанавий алоқалари» деган мавзуларда маърузалар қилишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
Ўз мухбиримиз.

Диққат: ташаббус!

РАҲМАТ СИЗГА, ДОМЛА

Ўзбекистон тумани, Нурсух қишлоғида истиқомат қилаётган Тўхтасин Мирзамаҳмудов домла бир неча йилдирки кексалик нафақасида. Лекин у ҳамон тетик, тиниб-тинчимайди: икки юздан зиёд хонадонни «Оталиқ» маҳалла қўмитаси раиси сифатида гоҳ у, гоҳ бу муаммоларни ҳал қилиш учун елиб югургани-югурган. Домла ёшларга 34 йил математика фанидан сабоқ берди. Домланинг фарзандлари ҳам ота йўлидан боришган: Фаридахон, Бахтиёржон, Баҳодиржон ҳам муаллимдир. Яқинда, янги ўқув йили арафасида Т. Мирзамаҳмудов тумандаги 26-ўрта мактабга ташриф буюрар экан, мактаб жамоасига «менинг номимдан ойига 200 сум миқдорида стипендия жорий этилса, бу стипендия математика фанидан «аъло» баҳоларга ўқиган 11-синф ўқувчисига ҳар ойда ўқув йили давомида бериб борилса», дея мурожаат қилди. Фахрий мураббийнинг бу ташаббусини мактаб жамоаси қўллаб-қувватлади. Шу куни Тўхтасин домланинг 200 сўм миқдоридаги илк стипендияси 11-синф ўқувчиси Раъногон Ваққосовага насиб этди. Домла аълочи ўқувчига стипендияни топширар экан, илмга чанқоқ ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида ўз нафақаси ҳисобидан бу стипендия доимий тарзда бериб борилишини қайта-қайта таъкидлади. Раҳмат сизга домла!

Мўйдинжон ХОЛМАТОВ.

СИНГИБ КЕТИШ

Ҳажвия

«Диоген-1» фазо кемасининг номи мазкур юлдузлараро саёҳатнинг мақсадини тўлиқ акс этдирарди. Маълумки, қадимги грек донишманди умрининг катта қисмида инсонларни қидириш билан шуғулланди. Унинг адаши, яъни «Диоген-1» кемаси эса коинотда онгли ҳаётни ахтарарди...

— Командир, — деди ҳовлиқиб штурман, — спектраль таҳлиллар альфа Орион юлдузи атрофида айланувчи Ромбус сайёрасида органик моддалар борлигини кўрсатди.

«Наҳотки муваффақият?!» деб ўйлади командир.

— Кема Кенгаши аъзоларини ёнимга тўпланг.

Астронавтлар кўрган манзара қаттиқ ҳаяжонга туширди. Жунглида улкан динозаврлар юрар, улар тепасида птеродактиллар парвоз қиларди. Сайёрада ҳаёт бор эди! Ҳаяжонлар босилгач, Кенгаш командир бошчилигида экипажнинг беш аъзосини сайёрага туширишга қарор қилди.

Ёйилиб юрган ва учиб-қўнаётган калтакесаклар Ромбусда ривожланган ҳаёт йўқлигини кўрсатарди, сайёрада фақатгина ёввойилар яшаши мумкин. Йўриқнома тарихий жараён ривожига аралашишни қатъий таъқиқлар эди. Шунинг учун сездирмай ёввойилар орасига сингиб кетиш зарур. Сингиб кетиш гуруҳи гирт ёввойиларга ўхшарди: эгниларида ҳайвон териси, қўлларида таёқ. Улар дастлабки ёввойиларни учраттунча чангалзорларда узоқ кездилар. Уларни кўрган бир ёввойи қувноқ ҳитоб қилганча қаршиларига ташланди. Ёввойининг ноаниқ гапларини астронавтлар митти электрон қурилма ёрдамида бир лаҳзада таржима қилдилар. Астронавтлар ёввойининг таклифи билан ёнида бир нечта одам тўнғиз гўштини оловга тутиб кабоб пишираётган қулбага келишди. Меҳмонларни хушмуомала кутиб олган ёввойилар имо-ишора билан овқатга ундадилар.

Бир неча кун ичида астронавтлар ва ёввойилар орасидаги дўстлик шунчалик мустаҳкамландики, ерликларга ажралиш учун баҳона топиш қийин бўлди. Ниҳоят, «Диоген-1» командирининг ёввойиларга, хотинларимизнинг олдига боришимиз керак, деб тушунтиришига тўғри келди. Аммо қайтиб келамиз деди. Командир гаров сифатида қабила бошлиғига ўзи чақмоқтошдан ясаган пичоқни совға қилди.. «Сингиб кетиш» операцияси муваффақиятли ўтди.

Ердан ташқаридаги тараққиётни топиш муаммолари бўйича Кенгаш раиси «Диоген-1» кемаси командирининг ахборотидан жуда мамнун бўлди.

— Сизлар топшириқни шараф билан бажардингиз, — деди у. — Аммо сизлардан сўнг Ернинг қарама-қарши томонидан учган «Диоген-2» кемаси Ромбус сайёрасига аввалроқ қўнгангидан хафа бўлманглар. Назарий жиҳатдан маълумки, фазо бўшлиғи қийшайган ҳолатда. Шу муносабат билан бир нуқтадан икки томонга қараб учган фазо кемалари ўша нуқтада учрашишлари мумкин. Худди Ер шари бўйлаб айлана саёҳатга чиққан иккита теплоходга ўхшаб. «Диоген-2» масса ўта қуюқлашган ва кенглик ниҳоятда қийшайган «қора чуқурлик» деб аталувчи жойга яқин келиб қолди. Шунинг учун кеманинг учиш чизиғи ўзгарди ва сизлардан ўзиб кетди. Иккала кема ҳам бу сайёрада онгли ҳаёт борлигини тасдиқловчи муҳим маълумотлар келтирдилар. Сизларни «Диоген-2» кемаси командири билан таништирмоқчиман.

Капитанлар бир-бирларига дўстона, бироқ икковлари ҳам қандайдир ҳиссиётли табассум қилдилар. Сўнгра «Диоеген-2» кемаси командири Ромбус сайёрасида онгли ҳаёт борлигининг исботи сифатида келтирган, ҳамкасбига таниш чақмоқтош пичоқни ишончсизлик билан Кенгаш раиси столига қўйди.

Ю. КИРИЛЛОВ,
В. АДАМЕНКО.
О. ФАРМОН таржимаси.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1996 йил октябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Болаларни васийлик ва ҳомийликка олувчи ХТБ назоратчилари	1-26
2. ТШ ХТБ метод кабинет мудирлари	1-26
3. ВУМОИ ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари	7-19
4. БУСМ директорлари ва директор ўринбосарлари	1-26
5. Ўзбекистон «Давлат ва ҳуқуқ асослари»	1-26
6. Қозоқ мактабларининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари	1-11
7. Рус мактабларида ишловчи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари	14-26
8. Ўзбек мактабларида ишловчи олий ва I-тоифали рус тили ўқитувчилари	1-26
9. Ёрдамчи мактаб ва интернатларининг тарих ўқитувчилари	7-26
10. Олий ва I тоифали тарих ўқитувчилари	1-26
11. ЭҲМ ўқув жараёнига татбиқ этиш (рус тили ўқитувчилари учун)	14-26
12. Олий ва 1-тоифали математика ўқитувчилари	1-26
13. Олий ва 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчилари	1-26
14. Жисмоний тарбия бўйича мақсадли курс	7-19
15. ЧЁТ раҳбарлари	1-26
16. Халқ педагогикаси (одобнома)	1-26

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон 46-06-62, 46-06-67.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги Машинасозлик бўйича Республика ўқув-ишлаб чиқариш Маркази бош директори

Виталий Маркович КАРАБЕЛЬНИКОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6